



ИШОНЧ

39

1992 йил
28-сентябрь
4-октябрь
(78)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси



3 ОКТЯБРЬ — ШАНБА. БОБУР НОМИДАГИ
МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИДА

ҚЎЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА, ТАШРИФИНГИЗГА МУНТАЗИРМИЗ



АЗИЗЛАР!

«Ишонч»нинг она юртимиз Ўзбекистон Республикасининг ўз мустақиллигини эълон қилган йилда туғилганидан ва эндигина унинг 78-сонли чиққанидан кўпчилик хабардор. Шу қисқа давр ичида у ўз мухлисларини топди, одамлар тилига, дилига тушди.

Бу дегани ишимиз «беш», ҳаммаёқни қотириб қўйдик дегани эмас, бизга келатган хатларда дилхуш илиқ сўзлар билан бир қаторда аччиқ киноялар, танқид-этирозлар, фикр-мулоҳазалар ҳам етарлича. Биз уларга кулок тутамиз, камчиликларни тузатамиз. Биламизки, газета кенг халқ оммасининг юрагидаги гапни топиб ёзсагина унинг меҳрини қозона олади, акс ҳолда халқ эътиборидан тушиб қолади, обрўсизланади.

Шов-шув бўладиган материаллардан кўра, босик, адолат ва меҳр-оқибатни тараннум этувчи мақолаларни кўпроқ ёзаямиз.

Қаттиқ бақириб айтиш керак бўлган кимсаларга ҳам мулоим, лекин қатъийлик билан мурожаат қилишга ўрганаёلمиз. Сен ўрнига Сиз ибораси бизга маъкул ва кўпчиликка манзур бўлаяпти.

Газетани танқид қилувчилар билан бир қаторда «Уни ўқимай туролмайман», «Бошидан охиригача ўқиб тўймайман» дегувчилар бор. Яна «Қасамёдинг эсимда, «Ишонч». Энди сен ёмонлик қилолмайсан. Сен яхшиларга яхшилик қилиш учун туғилгансан. Ус, улгай, умринг узок, файзли бўлсин. Илтимос, фақат шу йўлингдан адашма!» деб бизни огоҳ қилувчилар, «Хар кунги газетага қачон ўтасан?» деб сўровчилар «Сени туккан қасаба уюшмасига раҳмат» деб миннатдорчилик билдирувчилар. «Сени арслонга қиёс қиламан, аммо ҳеч бўқирмайсан»,

деб таъна, «Хикояга, адабиётга кўп ўрин беряпсан», деб танқид қилувчилар, «Сенга мадад бўлсин деб 200 сўм жўнатдим. Озимни кўп кўр. Мен доим сен билан» деб бизга хайрихоҳ бўлганларнинг руҳлантирувчи хатлари ҳам бор.

Ана шу барча «Ишонч» мухлисларини бир ерга тўплаб, яхшилаб танишиб олиш учун фестиваль ўтказишга аҳд қилдик. «Ишонч» газетасининг бу биринчи фестивали — газетани халққа таништириш байрамини бамисоли «бешик тўйи» тантанаси деб қиёс қилдик. Энди «Ишонч» кулишга, йиғлашга, бақириб-чақиритишга кодир. Унинг овози энди кўпчиликка эшитилаяпти, унинг халқчил газета эканини энди кўпчилик тан олди, унинг яшашига, равнақ топиши, қамолга етишишига ҳеч кимда энди шубҳа қолмади.

«Ишонч» яхши ниятли, ҳалол одамлар нафаси теккан, адолат учун, меҳр-оқибат учун курашга тайёр бўлган, амал ва пул учун имонини, қобилиятини, виждонини сотмайдиган инсонлар фотиҳаси билан бунёд бўлган нашрдир. Бу газета ўшалар нашри, ўшаларга хизмат қилгучидир. Ана шу пок одамлар йиғини — фестивалимизни 3 октябрь — шанба кунини бобокалонимиз БОБУР номига қўйилган, кичик бўлса-да бағри кенг маданият ва истироҳат боғида ўтказишга аҳд қилдик.

Шаҳар ва район ҳокимларининг ок фотиҳаси, газетчи ва газетхонлар ташаббуси ва ташкилотчилиги билан бу ишни бошлаб юбордик.

Халқ газетасига айланиш нияти бу фестивални ўтказишга ундади. Биз ўз мухлисларимизни «Ишонч» газетасининг биринчи фестивалига лутфан таклиф этамиз.

Халқ сайли эрталаб соат 10 дан бошланади ва кечгача давом этади.

Фестиваль кунини газетамизнинг бир ярим йиллик тарихини варақлаймиз, газетамиз қаҳрамонлари бўлмиш ишчилар, дехқонлар, санъаткорлар, адабиётчилар, олимлар, тadbirkorларни эслаймиз. Баъзилари билан учрашувлар уюштирамиз. Бир томонда дехқонларимиз етиштирган қовун-таруздан тортиб, олмаят ноккача, иккинчи томонда ишчилар яратган кийим-кечагу атир-упагача сотилади. Пазанда ошпазларимиз, санъаткорлару спортчиларимиз, халқ табиблари сиз азиз газетамиз мухлислари билан мулоқот қилишадиган, сизга ўз санъатларини намойиш этишадиган.

Бу тантанамизда Тошкент Олий ва Ўрта махсус ўқув юрларининг талабаю толибалари, уларнинг меҳрибон мураббийлари, завод ва фабрикаларимиз меҳнат аҳли, қасаба уюшмалари фаоллари, қўйингки, «Ишонч»ни севган, унга далда, таянч бўлишни истаган барча-барча иштирок этади ва мазза қилиб дам олиб, ҳордик чиқаради, деган ниятдамыз!

Сизнинг иштирокингиз газетамизни ўқишли ва жанговор нашрга, навқирон, забардаст, кўркмас, шиддатли ҳамда адолатли ва меҳр-оқибатни тараннум этувчи газетага айланишига замин тайёрлайди.

Келинг, биз билан дийдор кўришиб, қувончимизга шерик бўлинг, азизлар!

ҚЎЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА,
СИЗНИНГ ТАШРИФИНГИЗГА
МУНТАЗИРМИЗ!

«ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИ
ТАХРИРИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

ЎЗБЕКИСТОН қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раёсатининг навбатдаги мажлиси кун тартибига чет мамлакатлар қасаба уюшма марказлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга оид масала бежиз қўйилмади. Чунки республикамиз мустақилликка эришгач, чет давлатларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши анча ортди. Шу туфайли чет мамлакатлар қасаба уюшма марказлари билан алоқаларни янада кенгайтириш истиқболлари очилди.

Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг XIV съезидан кейинги даврда 16 мамлакатдан 18 та чет эл қасаба уюшмаси делегацияси ўлкамизга ташриф буюрди. Республика қасаба уюшмаси ташкилотларининг 127 раҳбари эса чет элларда бўлиб ўз билим ва малакасини оширди, тўпланган тажрибаларни ўзаро ўртоқлашди. Республикамызни Халқаро меҳнатни ташкил этишга аъзо қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Чет элларга бўлаётган хизмат сафарлари самараси қундалик ишимизда сезилмаяпти. Чет элликлар тажрибаси бизда сусат тахлил қилинмоқда. Фарбий Европа, Шимолий Америка ва Осиё — Тинч океан регионидаги ривожланган мамлакатлар қасаба уюшмаси ташкилотлари билан алоқалар ривожланиши керак.

Раёсат мажлисида республика аҳолисига санаторий-курорт ёрдами кўрсатишнинг аҳволи ҳам чуқур тахлил қилинди. Санаторий-курорт шифосига муҳтож бўлган юртдошларимиз эҳтиёжи йил сайин қондирилмай келинаётганлиги мажлисда алоҳида таъкидланди. Хар йили 500 мингга яқин киши санаторийлар шифосига эҳтиёж сезмоқда. Лекин уларнинг бешдан бир қисмигина ўз эҳтиёжини қондираётти, ҳолос. Санаторийлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлида қасаба уюшмаси маблағи билан бир қаторда давлат капитал маблағларини ҳам сарфлаш чораларини кўриш керак. Республика қасаба уюшмалари курортларини бошқариш кенгашининг молиявий аҳволини соғломлаштириш чораларини кўрмоқ зарур.

Қабул қилинган қарорда республика аҳолисига санаторий-курорт хизматини яхшилашнинг аниқ йўллари белгилаб берилди.

Мажлисида ўндан ортик масала кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.


Мажлисини Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Б. А. Алламуродов бошқарди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида биноан Республика маҳаллий саноат, коммунал хўжалик ва маиший хизмат корхоналари ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси **ОМОНУЛЛО ШУКУРОВИЧ САФОНЕВ**га

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХИЗМАТ ТАРМОҒИ ХОДИМИ унвони берилди.

«ИШОНЧ»НИНГ БИРИНЧИ ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАМАТ!



«ИШОНЧ»НИНГ МАДАДКОРЛАРИ

Мурожаатномага жавобан, шартнома асосида, шахсий ёрдам тарикасида беназир кўрсатган ҳимматлари учун корхоналар, муассаса ва ташкилотларга, миннатдорчилик изҳор қиламиз:

(сўм ҳисобида)

● Ўзбекистон Кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.	12000;
● Ульянов район агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	1000;
● Чортоқ район давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2652;
● Урта Чирчиқ район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	3000;
● Оҳангарон шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	1000;
● Чиноз район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2700;
● Ғалаба район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2000;
● Бўстонлиқ район давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2000;
● Оққўрғон район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2500;
● «Уқитувчи» наشريёти касаба уюшмаси кўмитаси	165;
● Фарғона политехника институти	200;
● Зомин район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	100;
● Жарқўрғон район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2000;
● Ғаллоорол район агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2000;
● Ғаллооролдаги «Зерно» илмий тадқиқот институти касаба уюшмаси кўмитаси	600;
● Пахтакор район жамғарма банки	1281;
● Жиззах вилояти маҳаллий саноат ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2000;
● Жиззах вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2500;
● Бойсун район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	
● Наманган вилоятидаги Хамид Олимжон номли давлат хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси	1000;
● Чортоқ райондаги М. Улуғбек номли давлат хўжалиги	800;
● Норин район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	1000;
● Учқўрғон район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2400;
● Косонсой район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2500;
● Хоразм вилояти агрострой трестига қарашли 289-механизациялашган кўчма колоннаси	3000;
● Юқори Чирчиқ район давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	300;
● Чортоқ район пахта тозалаш заводи	1200;
● Наманган вилоятидаги «Фарғона» давлат хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси	300;
● Сурхондарё вилояти халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	450;
● Наманган шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	30;
● Наманган район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	6000;
● Сирдарё вилояти Шароф Рашидов райони халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	3000;
	1000;

● «Қизил тонг» тикувчилк ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшмаси кўмитаси	6000;
● Хоразм вилояти тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	500;
● Денов район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	3000;
● Узун район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2800;
● Республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси	10000;
● Задарё район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	1500;
● Термиз шаҳар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	3107;
● Шўрчи райондаги Киров номли жамоа хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси	1800;
● Гулистон район агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	7500;
● Бунўғур райондаги «Чўянтепа» давлат хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси	300;
● Шофиркон район давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	1000;
● Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлиги касаба уюшмаси кўмитаси	500;
● Арнасой район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	1000;
● Шўрчи район халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	2000;
● Шўрчи райондаги «Октябрь 30 йиллиги» жамоа хўжалиги касаба уюшмаси кўмитаси	1000;
● Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши	16000;
● Республика металлургия саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси	15000;
● Ўзбекистон қурилиш ва бинокорлик материаллари саноати ходимлари касаба уюшмаси республика кўмитаси	40000;
● «АстроВАЗ» кичик корхонаси	64.000;
● Денов Автобус-таксомотор парк	1000;
● Денов шаҳридаги хўжалик ҳисобидаги автокорхона	2000;
● Тошкент шаҳар умумий овқатланиш бош бошқармаси	2000;
● Шаҳрисабз вино-ароқ заводи	2000;
● Денов райондаги Ульянов номли жамоа хўжалиги	2000;
● Денов шаҳар уй-жой ва коммунал хўжалиги идораси	2000;
● Тошкент «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмаси	30.000;
● Тошкент нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси	10.000;
● Тошкент вилояти агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кўмитаси	26.000;
● Урта Осиё темир йўли сўғурта компанияси	20.000;
● Шаҳрихон шаҳар ва район тадбиркорлар касаба уюшмаси кўмитаси	1000;
● Олтинкўл район шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси	1600;
● Янгиқўрғон район ремонт қурилиш идораси	2.800;
● Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси	10.000;
● Чирчиқ «Электрхимпром» касаба уюшмаси кўмитаси	30.000;
● «Средазэлектроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси	20.000;
● Республика мева-сабзавот ва узумчилик концерни	18.000;

ЎЗБЕКИСТОН БОШЛАНҒИЧ ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИГА, БАРЧА ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ АЪЗОЛАРИГА МУРОЖААТНОМА

Азиз маслакдош, фикрдош биродарлар!

Неча ўн йиллар давомида Сиз орзу қилиб келган миллий тилдаги касаба уюшмаси наشري — «Ишонч» газетаси бугунги кунда кўзингиз ўнгида кўпчиликнинг яқин ҳамроҳига айланиб бораёпти. Ижодий жамоа омма қалбини тўлқинлантираётган муаммоларни газета сахифаларига олиб чиқишда, меҳнаткашларни социал ҳимоялашда, касаба уюшмалари ҳаётини кенг ёритишда тинимсиз изланмоқда, бор билим ва тажрибасини ишга солмоқда.

Ҳозир газета 110 минг нусхада чоп этилиб, энг арзон нархда обуначиларга етказиб бериляпти. Жойлардан газетага келадиган хат-хабарлар кундан-кунга кўпайиб бораёпти. Демак, «Ишонч» Сизнинг ишончлигини қозонаёпти, Сизга ҳамдарду ҳамкор бўлаяпти, у маънавий ҳаётимиз учун зарурдек туйилаёпти.

Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида газетанинг иқтисодий аҳволи ниҳоятда танг ҳолга келиб қолганлиги, балки, сизларга аён эмасдир. Газета ўз кучи билан маблағ топиб, ўз харажатларини ўзи қоплаш мақсадида тахририят қошида тижорат ишлари билан шугуллан-

нувчи жамоалар тузди, даллолик идораси очди, ижодий жамоа сафини учдан бир қисмга қисқартиришга мажбур бўлди. Тахририят ходимлари асосий ишларга қўшимча равишда ҳомийлар топиш, корхона ва хўжаликлар билан шартномалар тузиш, эълон ва рекламалар уюштириш йўллари билан газета жамғармасига пул тушириш чораларини кўрмоқдалар. Бу йил шундай усуллар билан 1 миллион сўм топилиб газета эҳтиёжларига сарфланди.

Нарх-навоининг, жумладан, қозоннинг, босмахона ҳамда матбуот тарқатиш харажатларининг тўхтовсиз ошиб бораётганлиги 1993 йилда «Ишонч»нинг нашр этилишига катта хавф туғдираёпти. Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича газетани мунтазам чиқариб бориш учун 8 миллион сўмдан ортиқ маблағ талаб этиляпти. Лекин бу маблағни муассис ҳам, ижодий жамоа ҳам топиш қудратига эга эмас.

Биз, Сиз, азизларга мурожаат этамиз! Халқимизда «Кўпчилик бир бурдадан берса тўйдирди, бир муштан урса ўлдирди», деган аjoyиб нақл бор. Агар бошланғич ташкилот ҳисобида турган ҳар бир касаба уюшмаси аъзоси ҳисобидан тахририят ҳисобига лоақал 1 сўмдан пул

ўтказилса, бу маблағ газетани чиқариш учун кетадиган асосий сарф-харажатларни бемалол қоплашга етарди.

Қозғиғонлик биродарларимиз шундай йўл билан касаба уюшмаси нашрини қўллаб-қувватладилар. Бу ҳақда «Труд» газетаси маълум қилди. Сизлар ҳам кўшнilar ташаббусини қўллаб-қувватласангиз «Ишонч»ни сақлаб қолиш йўлида катта имкониятлар яратган бўлар эдингиз.

Энг қийин дамларда биз Сизларга, барча газетанларга таянамиз. Сизларни ўз газетангизни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга даъват этамиз. Уйлаймизки, мавжуд аҳволини чуқур идрок этиб ўзингизга хос саҳийлик, ҳиммат ва мадад кўрсатасиз, шунда «Ишонч» онлангизнинг бир аъзоси сифатида сизга доимий ҳамкор, ҳамфикр бўлиб қоладим. Бу имкониятни қўлдан бой берманг.

«ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИ ТАХРИРИЯТИ.

«ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИНING ҲИСОБ-КИТОБ ВАРАҚАСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ: ТАШКЕНТ ШАҲАР, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК СANOАТИ БАНКИДАГИ 000363601 — ҲИСОБ ВАРАҚАСИ. БАНК КОДИ — 172682403 «ИШОНЧ» ГАЗЕТАСИГА ТЕГИШЛИ.

МЕҲНАТКАШЛАР СПАРТАКИАДАСИ

26 СЕНТЯБРДА Чкалов номли Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Старт» спорт ўйингоҳида меҳнаткашлар, ногиронлар, ўқувчи ёшларнинг республика биринчи спартакиадаси тантанали равишда очилди. У 29 сентябргача давом этади.

Куйи боскич мусобақаларида голиб чиққан 400 га яқин киши тўрт кун давомида бу ерда спортнинг волейбол, мини-футбол, стол теннис турлари бўйича куч синашди, оилавий мусобақаларда иштирок этишди.

Спартакиада бошлангани олдин республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида журналистлар учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Уни касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг ўринбосари М. М. Тўлаганова олиб борди.

Спартакиада ташкилотчилари журналистларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар. (Спартакиада ҳақидаги тўла ҳисобот газетада эълон қилинади.)



«ИШОНЧ» тахририятининг маҳаллий саноат, уй-жой, коммунал хўжалик, маиший хизмат, енгил корхоналарининг бир қатор касаба уюшмалари кўмиталари раҳбарлари билан биргаликда ўтказган давра суҳбатида «Ишонч» саҳифаларида ёритилаётган муаммолар, бозор иқтисодий шартлигида газетани мунтазам чиқаришга доир иқтисодий қийинчиликларни барта- раф этиш ҳақида очиқчасига фикр алмашилди.

Маҳаллий саноат, уй-жой, коммунал-хўжалик ва маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси О. Ш. Сафоев, раис муовини А. А. АНОРБОЕВ, Тошкентдаги трамвай-троллейбус, яқка буюртмалар пойафзал тикиш, сошлаш ва маиший хизмат, металлни қайта ишлаш, иккинчи пойабзал, «Қизил тонг» тикувчилик, «Орзу» чарм- атторлик, «Юлдуз» тикувчилик, «Ўзбекистон» сунъий ва табиий тери ишлаб чиқариш бирлашмалари касаба уюшмалари кўмиталарининг раислари Б. М. АБДУЛЛАЕВ, Т. ТОШХУЖАЕВ, М. И. ОБИДОВА, Т. Ж. ЖҲРАЕВ, М. В. ОДИЛОВА, А. М. АБДУҚОДИРОВ, Қ. Қ. МАХМУДОВА, Р. Қ. РАХИМОВА- лар қатнашган мазкур мулоқотини газета бош муҳаррири Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ бошқарди.



Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ:— Хурматли ўрток- лар, газетамиз чиқа бошлаганига эндигина бир ярим йил бўлди. У шу давр ичида сиз- ларнинг ишончингизни қозонган бўлса, биз тахририят жамоаси ўзимизни бахтли деб ҳисоблаймиз. «ИШОНЧ» дунёга кел- ниши биланок ўзининг «Азиялар, адолат- ли, меҳр-окибатли бўлайлик» деган шио- рига муттасил амал қилаяпти. Меҳнаткаш халқнинг ижтимоий ва ҳуқуқий манфаат- ларини химоя қилишда калконлик вазифа- сини бажаряпти. Ҳозирда газетада ёрити- лаётган материалларнинг таъсирчанлигини келгуси йилда ўқишли бўлиши учун яна нималарга эътибор беришимиз керакли- гини билмоқ мақсадида сизларни тўпла- дик. Бозор иқтисодий таъсирчанлиги нарх- наво ошиб, иқтисодий таназзул ҳукм суриб турган ҳозирги паллада бизга кан- дай кўмак бера оласизлар, сизлар ишлаёт- ган бирлашмаларда газетага 1993 йил учун обуна бўлиш қандай бораёпти, уму- ман, «ИШОНЧ» ҳақида қандай фикрда- сизлар? Сизларнинг фикрларингиз газета учун факат фойда келтиради.

Б. М. АБДУЛЛАЕВ:— Биз жамоамизда «ИШОНЧ» газетаси бўйича давра суҳбати ўтказдик. Газетада босилаётган материал- лар юзасидан йиғилганлар фикрларини билдиришди. Жумладан, уларни ҳуқуқий муаммоларнинг ечими ҳақидаги мақолалар кўпроқ қизиқтиришини айтишди. Масалан, нафақа таъминоти тўғрисидаги тушунти- ришлар, уй-жойларни хусусийлаштириш борасидаги қарорга шарҳлар мунтазам ёритилиб турилса, яхши бўларди. «ИШОНЧ» ишчиларнинг ҳам газетаси бўлиши керак, деб биламиз. Бизда ишла- диганларнинг 80 фоизи рус тилида сўзла- шувчилардир. Шунинг учун корхонамиз газетаси— «Мотор»нинг бир саҳифаси рус тилида чоп этилади. «Ишонч»да ҳам шундай рус тилидаги саҳифа очилса бў- лмайми?

Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ:— Ҳозир ўзбек тилидагисини аранг элаб турибмиз. Сиз- ларга ўхшаш корхоналар иқтисодий жи- хатдан қўллаб туришса, рус тилида чиқар- иш учун имконият ҳам туғилиши мумкин. Ҳамма гап маблағга боғлиқ. Газетамизни янаги йилда мунтазам чиқариб туришимиз учун салкам 20 миллион сўм маблағ зарур бўлади.

Т. Ж. ЖҲРАЕВ:— «ИШОНЧ» газетаси меҳнаткашларнинг энг яқин маслаҳатдоши бўлиши керак, деб биламан. Республика аҳамиятига молик бирор қонун ёки қарор эълон қилиниши муносабати билан унда шарҳланиб тушунтириш кўпроқ босилса, нур устига нур бўларди. Касаба уюшма- лари ҳаётида жамоа шартномалари жуда катта роль ўйнайди. Йил бошларида ана шу шартномалар тузилишига доир масла- хатлар босилса фойдадан ҳоли бўлмасди. Корхона ва хўжаликлар касаба уюшма- лари фаолияти чуқурроқ ўрганилса, газе- табон материаллар кўплаб берилса яхши бўларди.

туришлари керак. Газетада чет эл касаба уюшмалари тажрибалари ҳақида хабарлар босишни одат қилинса, деймиз.

О. Ш. САФОЕВ:— Бизнинг Тошкент трамвай-троллейбус ҳамда металлни қайта ишлаш бирлашмаларида ҳам жамоа шартномалари тўла бажарилаяпти, деб бўлмайди. Шартнома бажарилмаган жой- лардаги касаба уюшма кўмиталари шарт- нома шартларини бажарилиши юзасидан арбитражга мурожаат этишлари мумкин. Бу хусусда тегишли қонунда кўрсатмалар берилган. Газета мана шу соҳа бўйича ҳам материал бериб тургани маъқул.

Б. М. АБДУЛЛАЕВ:— Трамвай-трол-

жихати бўйича «ИШОНЧ» ташаббусига муҳтожмиз. Масалан, тармоқ касаба уюш- малари Марказий Кўмиталарида ҳар ой камида 15—20 лаб шикоят ва аризалар текширилади. Адолатли ҳал қилинади. Шулар ҳам газетада мунтазам ёритиб борилса ёмон бўлмасди.

Т. ТОШХУЖАЕВ:— Газетада шахсий саволларга берилаётган жавоблар боси- лаётганлиги яхши. Бундан мамнунмиз. Кундан кунга ҳаёт ўзгариб бораёпти. Айрим қонунлар ўз қучини йўқотди. Лекин баъзи соҳалар бўйича қонунлар ҳалигача йўқ. Жумладан, шу қунгача меҳнат мухо- фазаси ҳақидаги қонун қабул қилинмаган. Шунга кўра, ана шу масалалар бўйича ҳам газетхонларимизни озми-кўпми хабар- дор қилиб турилиши керак.

Б. М. АБДУЛЛАЕВ:— Қонунлар маж- муини «Ўзбекистон касаба уюшмалари кутубхонаси» серияси билан босиб чиқар- са, яхши бўларди. Аҳолини ҳуқуқий жи- хатдан саводхон қилиш ишига «ИШОНЧ» ҳам ўз хиссасини қўшади, деган умидда- ман.

М. В. ОДИЛОВА — Менимча, корхона- ларимиз қошида «ИШОНЧ» мухлислари клуби тузас, бевосита жойлардаги касаба уюшмаси ҳаёти, унинг муаммоларини ҳал қилишда газета яқиндан ёрдам берган бўларди.

Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ:— Суҳбат давомида билдирилган қимматли фикрларингиз, таклиф ва талабларингиз учун раҳмат. Биз уларнинг ҳаммасини инobatга оламиз ва келгуси йилда ҳам газетани янада мазмунли, ўқишли, халққа яқин қилишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, сизларнинг обунани кучайтириш ҳақидаги, тахри- риятга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги таклифларингизни кадрлай- миз.

Суратда: Учрашув қатнашчилари.

ТАКЛИФ ВА ТАЛАБ

М. В. ОДИЛОВА:— Билдирилган фикр- ларга мен ҳам қўшиламан. Дарҳақиқат, назаримда газетада ҳуқуқий муаммолар ечимига доир материалларга кўпроқ ўрин берилиши лозим. Киш фасли яқинлашиб келаяпти. Турар жойларни иситиш, ишчи онлаларида кишга картошка, пиёз гамлаб қўйилиши масаласи кўндаланг турибди. Ҳозир бозорда картошканинг қилоси 15— 20 сўм. Польшадан арзон нархда картошка келтириб сотишни ташкил қилаяпмиз. Умуман, ишчиларнинг социал таъминоти тўғрисида газета ташвиш тортиб, ҳаминша бонг уриб турса яхши бўларди. «ИШОНЧ» бизнинг сеvimли газетамиз. Бирлашмамиз- да кўпчилик унга обуна бўлаяпти.

А. М. АБДУҚОДИРОВ:— Бизнинг «Ор- зу» ишлаб чиқариш бирлашмамизда 15 та бошланғич касаба уюшма ташкилоти бор. Уларнинг ҳаммаси газетага обуна бўлиш- ди. Газетада босилган «Биздан сўрабсиз»- да ҳамманинг дилдаги гап ифодаланади. Газета мухбирлари омма орасида кўпроқ бўлиб туришса, меҳнат аҳли аҳволидан мунтазам хабардор бўлишса, ҳадеб мактов эмас, уларнинг дard-аламларини ҳам ёзиб

лейбуслар қатновини яхши йўлга қўйишга ҳаракат қилаяпмиз. Юлғичликка барҳам бериш ниятида тафтиш назорати комис- сияси туздик. Ҳозир ҳар бир машинанинг нархи 3—4 миллион сўмга чиқиб кетган. Эҳтиёт қисмлар ҳам такчил. Бир сўмдан йиғилган йўл ҳақи харажатига етмайди.

Қ. Қ. МАХМУДОВА:— Бизнинг бир- лашмада ишчиларга участка бўлиб бериш учун ер ажратилган эди. Унга бирлашма ҳисобидан 50 минг сўм пул ўтказганмиз. Энди шахар ҳокимлиги яна 700 минг сўм тўлайсизлар, деб турибди. Бу хусусийлаш- тиришга доир гапмикин?

Бирор мутахассис газета орқали шу саволга жавоб берса деймиз.

А. А. АНОРБОЕВ:— Касаба уюшмалари фаолияти тажрибасини оммага тарқатиши

УЧРАШУВ қатнашчилари ўз корхоналарида «ИШОНЧ» мухлис- лари клубини ташкил этишга қарор қилишди. Клубнинг Низоми ва Ҳаракат дастурини тасдиқладилар ҳамда газетада эълон қилишни лозим топдилар.

Тожибой АЛИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

«ИШОНЧ» МУХЛИСЛАРИ КЛУБНИНГ НАМУНАВИЙ НИЗОМИ

I. Умумий қондалар

1.1. «Ишонч мухлислар клуби

(ташкilot номи)

касаба уюшмаси қошида тузилга газета мух- лислари уюшмасидир. Уни таъсис этувчи шу ташкilot касаба уюшмасидир.

1.2 Клуб «Ишонч» газетасига жамоа аъзоларидан 100 киши обуна бўлган ва ундан ортик мухлис йиғилган тақдирдагина тузилади.

1.3 Клубни сайланган ҳайъат аъзолари бош- қарадилар, ҳайъат раис, муовин ва аъзолардан иборат бўлади.

1.4 Клуб аъзолари ҳар ойда бир марта, ўзларига қулай кунда йиғилишиб турадилар.

1.5 Клуб ҳайъати ўз фаолиятини клубнинг Низоми ва Ҳаракат дастури, асосида амалга оширади.

II. «ИШОНЧ» мухлислари клубининг ҳуқуқ ва вазифалари

II.1. «ИШОНЧ» мухлислари клубининг аъзолари газетада чоп этилаётган адабий ва публицистик, ижтимоий ва сиёсий мақола, асар ва шеърларни ўқиб, таҳлил этадилар. Уларни умуминсоний, илмий, иқтисодий, сиё- сий-ижтимоий ва адабий жиҳатдан ўрганади- лар ва баҳолаб, газетанинг эришган ютуқ ва

камчиликлари, газетхонларнинг истак ва ҳо- хишлари ҳақида тахририятга хабар берадилар.

II.2. Шу мақсадни амалга ошириш учун: — Клубда «ИШОНЧ»нинг йиллик таҳлами бўлишига эришилади;

— «ИШОНЧ» газетаси таририятдан клуб аъзолари ёки мухлисларидан келадиган фикр- мулоҳазалар, мақола ва очеркларга эътибор билан ёндошиш, клуб раиси муовини газе- танинг жамоатчи мухбири этиб белгилаш сўра- лади, уларга гувоҳнома топширилади ва улар- нингмақолалари биринчи навбатда чоп эти- лади.

— «ИШОНЧ» газетасига обуна тўплаш, кенг оммалаштириш билан боғлиқ барча ишларда ёрдам беради.

III. «ИШОНЧ» мухлислари клубининг ташкилий тузилмаси

III.1. Клуб фаолияти ҳайъат томонидан бошқариб борилади ва чиқарилган хулосалар ҳайъат томонидан тасдиқлангандан сўнг тегиш- ли қарор қабул қилинади.


III.2. Клуб фаолияти мухлисларнинг рози- лиги билан тўхтатилиши мумкин.

«ИШОНЧ» мухлислари клубининг ҲАРАКАТ ДАСТУРИ (намуна)

«ИШОНЧ» мухлислари клуби — касаба уюш- малари аъзоларидан ташкил топган бўлиб, улар «ИШОНЧ» газетасининг доимий мухлис- лари ҳисобланадилар.

Клуб аъзолари ўз йиғилишларида «ИШОНЧ»- нинг ютуқ ва камчиликларини муҳокама қила- дилар, фикрларини ўзаро ўртоқлашадилар, таклиф, ҳоҳиш ва истакларини «ИШОНЧ» газе- таси тахририятига билдириб матбуотда чиқиш- га ҳаракат қиладилар.

«ИШОНЧ» мухлислари газета мавқеини янада кўтариш, иқтисодий жиҳатдан қўллаб- қувватлаш мақсадида омма ўртасида обунани ташкил этадилар, газета ғоясини жамоалар онгига сингдирадилар, газета тахририяти билан биргаликда конференциялар (учрашувлар) уюштирадилар.



ФАРҶОНА вилоятининг Кува районига йўлим тушганида Охунбобоев номли жамоа хўжалиги аъзоси Нусратхон Муродова хонадонида бир пиёла чай ичиб ўтишга тўғри келди. Ҳамма қатори оддий кишлоқ аёли Нусратхоннинг аввало уй-жой тутумига хавасим келди. Келишимиз оғох-лантирилмаган эса-да, кўча эшик атрофлари, ховлилар, кенг, ёруғ уйлар чиннайд тоза, чойнак-пиёлалар ярқиллар эди.

Нусратхон опа биз кириб борганда, ҳафсалани карангки, ойнаи жаҳондан «Бойлар ҳам йиғлайди» фильмини томоша қилаётган экан.

— Э, бизнинг опамиз ҳамма нарсага улгуради, — дейди ҳамроҳим Хикоят Улмасова.

— Шу омон бўлгур Мариананинг тақдирини нима кечаркин, деб кўраётувдим-да, — ўзича хижолат чекади Нусратхон опа.

Унинг чеҳраси гул-гул очилиб, тоза кўрпачалар ёзади. Оппок дастурхон тузаб, бўрсилдоқ нон, каймоқ, мураббо, сарёғ, ўрик келтиради. Ўзи ёпган нон, ўзи қайнатган мураббо. Соғин сигири, мевали дарахтлари борлиги асқотади. Бозор иқтисоди вақтида нон-чойга кунимиз қолди, деб нолиганлар аввало, ўзларининг ишбилмаслиги ҳақида ўйлаб кўрсалар бўлармиди, деган ҳаёлга толаман.

Нусратхон опанинг турмуш ўртоғи Холматжон Муродов — тракторчи. Етти нафар фарзандлари бор. Уй-жойлари туппа-тузук, рўзгорлари бадастари.

— Ҳаракатда-баракат, — дейди Хикоятхон Нусрат опага ишора қилиб, — олма пиш, оғзимга туш, — деб ўтирмайдилар. Мана шу йил ҳам 27 грамм ипак қуртини парваришлаб, 131 кило пилла топширдилар. Пахта теримида илғор, яна денг, қўли гул чевар, Нусратхон опа, дўппиларингизни кўрсатинг, мухбир опага!

Аёл мактовдан ўзини нукулай ҳис қилиб, қизариниб, қимтиниб тоқчага қатор териб қўйилган Марғилон дўппилари устидаги оқ докани олади.

— Булар шу бугун «тандир»дан чиққанларими? — дейди Хикоят ва битта дўппини қўлига олиб, менга узатади. — Қаранг, чоклари текис, чиройли.

— Ҳа... — жилмаяди Нусрат опа, — ҳар кун эрта сахар туриб, ўнта-ўн иккита дўппига жияк тикиб, пилталаб, тайёрлайман. Кейин ҳафтада бир Марғилон бозоридан сотаман.

— Дўппи тайёрлашни кимдан ўргангансиз?

— Марғилонда аммам борлар, Ўғилчахон ая. Ҳозир саксонга тўлди-

лар, ўшалар ўргатганлар. Уларнинг қўллариди дўппилар нақ гулдай очилади. Ҳозир ҳам бекор ўтирмайдилар.

— Чойингиз учун раҳмат, Нусрат опа, сизни овора қилдик, узр, деймиз дастурхонга дуо ўкиб.

— Йўғ-е, овораси бор эканми? Бугун ўзи қувонадиган куним экан. Сизлардан хиёл олдинроқ куёвим Жалолддин хуш-хабар олиб келувди. Муаззамхон кизим ўғил кўрибди. Тўртта қиздан кейин бешинчисига ўғил. Қандок яхши бўлди-я. Шу «Мария»ни кўриб бўлиб, иссиқ овқат пишириб бораман-да, деб турувдим. Ўтиринглар, палов дамлайман.

Аввало, мен Муяссархоннинг жан-рангдор, ширали овозига қойил қолдим. Ҳалимаҳоним ёки Сорахоним овозига монанд салоҳиятли овозни тинглаб, хаяжонга тушдим. Бу аёлнинг кенг камровли билимига, зехнига, яна бир бор тасанно айтдим. Чекка-чекка кишлоқларимизда не-не истеъдодлар бор-а биз уларни билмаймиз, кўрмаймиз.

Муяссар ўн ёшидаёқ ота-онасидан араб алифбосини, Қуръон сураларини ўрганиб олган экан. То ўн саккиз ёшигача у ўқимаган китоб қолмаган. Машраб, Аҳмад Яссавий ғазалларини, Алишер Навоий шеърларини, ўнлаб донишмандларнинг китобларини

Қандай яхши-я, деб ўйлайман, икки-уч аёл учрашиб, ғийбату ҳасрат билан банд бўлгандан кўра, шундай ибратли сабоқ олсалар фойдали-ку. Ҳадис намуналарини билган, Хожа Аҳмад Яссавий ғазалларини тинглаган қайси аёл қайнонага тик қарайди ёки эрни беҳурмат қилади? Йўқ, Муяссарнинг талабалари орасида бундайлар йўқ.

Муяссархон Таваккалхон кизини катта-катта давраларга таклиф қилишади. Маҳалланинг тўйлари, маъракалари усиз ўтмайди. Ҳар қандай даврада у ўнлаб, юзлаб аёлларни лол қолдиради, ақлини пешлайди, инсофга, одобга чақиради.

— Устозим — ҳурматли қайнонам Нишонхон ая қутлуғ тўксон бир ёшга тўлдилар, — дейди Муяссар, — ойижонимнинг дуоларини олганман. Улардаги билим, эътиқод, сабот, матонат олдида таъзимдаман. Аҳмад Яссавий эса ғойибона устозим. Болалигимданок ғазалларини ёд олганман. Мана, тўккиз йил бўлди, эл орасига кирганимга. Тўғри, мен мадраса кўрмадим, олимлар суҳбатини олмадим. Шукроналар айтаманки, асосий сабоқни ота-онаю, қайнона-қайнотамдан, китоблардан олдим. Икки кизим, икки ўғлим бор, шуларга билганларимни ўргатиб, яхши одамлар қаторига қўшолсам, деган орзудаман. Мана, катта кизим Сайёраҳон Фарғона Давлат дорилфунунида ўқияпти. Араб, форс тилларини ўрганаёпти. Қиз бола бировнинг ҳасми, борган жойида тиниб-тинчиб, ўзидан катталарнинг дуосини олса, дейман.

Ҳам тавозеъли бўлиб, ҳам боадаб, Яхшиларнинг суҳбатини қилгин талаб... деб ўргатаман...

«Агар киши насл-насабли бўлса-ю, хунар зийнати бўлмаса, у киши ҳеч кимнинг суҳбатига муносиб бўлмайди. Бу икки гавҳарга эга бўлган кишини топсанг этагидан ушла, қўлдан чиқарма, бундай киши ҳаммининг ҳожатини чиқаради», дейилади «Қобуснома»да.

Муяссар барнонинг хунари сувда чўкмайдиган, ўтда ёнмайдиган — билим хунаридир. У ҳамкишлоқлари дилига эзгулик, нур улашади. Уларни инсофли, меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Нусратхоннинг эса нозик қўллари жон бахш этган Марғилон дўппиларини бузрукворларимиз, йигитларимиз бошларига кийинса, улугворлик бахш этади.

Мен эсам мана шундай ажойиб аёллар суҳбатини олганимдан хурсандман.

Санъат МАҲМУДОВА.

ЯХШИЛАРНИНГ

СУҲБАТИ

Йўлга чиқсам, не-не тақдирли одамларни кўраман. Барибир, яхшилар кўп. Ҳа, меҳр-оқибатни сақлаб қола олган, иқтисодий қийинчиликдан эсон-омон чиқиб олишга қодир бўлган одамлар кўп.

— Раҳмат, набираларингиз кўпаяверсин.

— Айтганингиз келсин!

Йўлда давом этамиз. Нусратхоннинг қувончлари, ҳаётга чексиз муҳаббати дилимга ажиб ёруғлик бахш этганини ҳис қиламан.

ҲАМРОҲИМ Хикоят Улмасова «Бўстон» колхозиди халқ демократик партияси котибаси, касби агроном. Кўп йиллардан бери шу хўжаликда меҳнат қилади. Бола-чақалик, уйлик-жойлик. У мени шу кун кечкурун Муяссархон Таваккалхон кизининг уйига олиб борди.

— Устоздан сабоқ олаяпмиз, — дейди Хикоят, — Муяссар пошшахон ёш бўлса ҳам бизга маллим.

Ўттиз беш ёшлардаги узун бўйли, борлиғидан салобат, нур ёнган улугсифат аёл бизни кутиб олди. Ҳадемай Эйтиборхон Тешабоева, Сайёраҳон Абдуллаева, Одинахон Атхамова, Ҳабибахон Мамадалиева исми-шарифли аёллар дафтар-китоб қўлтиклаб кириб келишди.

Муяссар пошшахон талабаларга сабоқ ўргатишга киришди.

ни ўкиб, ёд олган.

— Машхур донишманд Бузуржмеҳрдан: инсоф нима? — деб сўрадилар, — мен Муяссарнинг сабоғига бироз кулоқ тутаман, — Инсоф — одам ўзига нимани раво кўрса, бошқа кишига ҳам шуни раво кўришир, — деб жавоб берди Бузуржмеҳр.

— Қандай кишини ақлли одам десак бўлади?

— Ақлли одам ўйламасдан бирор ишга киришмайди.

— Билимини нима безайди? Шижоатни-чи, сахийликни-чи?

— Билимини — тўғрилиқ, шижоатни — авф қилишлиқ, сахийликни — очик юзлилик ва ширин суҳанлик безайди.

— Инсоннинг ҳаётда энг эзгу орзутилагини нималардан иборат?

— Сихат-саломатлик, фаровон турмуш ва хотиржамлик.

— Муяссархоним талабаларига меҳр ва ихлос билан араб алифбосини ўргатар экан, ҳар бир ҳарфга боғлаб ғазал, ҳикоят айтади. Ҳадис намуналаридан, Қуръон сураларидан мисоллар келтиради. Яхшиликдан, одобу ҳаёдан сабоқ беради.



Қўш бешикни тебратиб, қўша-қўша орзуларга чўмган онажон, алла айтинг. Аллангиз болажонлар юрагига нурдек пок, меҳрдек майин, қўшиқдек ўтли туйғулар бахш этсин. Тўйларингиз ҳам қувончларингиз ҳам ҳаминша эгизак бўлсин. Опажон, Алла айтинг.

Мен «Ишонч»ни доимо ўкиб бораман. Унда берилаётган ахлоқ-одобга доир мақолалар мени ҳам ўйлантиради. Мен ўз тақдиримни, ҳозирги кийин ахволимни бир йўлга сола олмай қайронман.

Болалагимда касаллигим бор эди. Отам-онам елиб-югуришиб бу дардан мени фориг этишди. Шундан сўнг бир йигит менга бирга турмуш қуришни таклиф қилди.

ЖАЗОГА ЛОЙИҚ

Мен унга ўзим ҳақимдаги барча гапларни айтиб, унинг таклифини рад этдим. Лекин, у ҳамма гапдан хабардорман, уйлансам факат сизга уйланаман. Агар яна касал бўлиб қолсангиз ўзим қаратаман, деб зўр-базўр розилигимни олди.

Турмуш қурдик. Икки фарзандлик бўлдик. Шундан сўнг у бир суяк оёқ хотиннинг ортидан кетиб қолди. Икки фарзанд билан мен сўппайиб қолавердим. Бу хотинни бутун Хива шаҳрида яхши билишди. У биргина меннинг оиламни эмас, бунгача неча-неча оилаларни бузган экан. У ҳақда арз қилиб

бормаган жойим қолмади. Ҳеч ким унга ҳукм ўтказа олмаяпти. Факатгина ишлаб турган ишидан бўшашига қурбим етди, холос (у савдо ходимаси эди). Лекин яна бир яхши ишга жойлашиб олди.

Мени кийнаётган бир савол бор. Шундай суяк оёқ хотинлар ҳаммининг кўзи ўнгида неча-неча бегуноҳ фарзандларни қон қакшатиб отасиз қолдираёпти, тинч оилаларни

бузаяпти-ю лекин, уларнинг мушугини негача ҳеч ким пишт демаяпти. Жазосизлик ахир уларни янада руҳлантиради-ку. Агар шу аёл йўлдан урмаганда эрим фарзандлари бошида бўларди. Мен энди уни қандай қилиб уйга қайтаришни билмай қайронман. Хива шаҳар раҳбарларига мурожаат қилавериб, тинка-мадорим қуриди. Улар инсон тақдирига бефарқ қарайдилар. Мен бундай аёлларни қонун йўли билан жазолаш тарафдориман.

Зумрад МАҲМУДОВА,
Хива шаҳри.



Б У йилги меҳнат таътилимни Арслонбобда ўтказдим.

Фарғона тоғ тизмаларининг шундайгина ёнбошида жойлашган бу сўлим қишлоқнинг табиати ногоҳ Астрободни эслатади. Беш дақиқа аввал мусаффо осмонда қуёш чараклаб турган бўлса, зум ўтмай шапалоқдай булут пайдо бўлади-да, шариллаб жала қуя бошлайди. Кейин эса изғирин, шамол...

Қишлоқнинг мўътабар кишиларидан бири — кекса ўқитувчи Мадаминжон ака Убайдуллаевнинг Кичик шаршара ёнидаги ховлисида, бир неча асрлик ёнғок дарахтининг остидаги сўрида ўй суриб ётишнинг ўзига хос гаши бор. Узоқ-узоқлардаги чўққилар ортидан ойнинг олтин ўроғи аста-секин бош кўтарди. Сўлим, тиник шабада танларга роҳат бахш этади. Пастда, ҳов узоқларда эса ўжар тоғ дарёсининг шовқини қулоққа чалинади. Бош устида ой нури таъсирида ёрқинлиги сўлиб бораётган юлдузларнинг сирли жимир-жимир...

Қаерлардандир, кашшофлар лагери томондан кўшиқ оҳанглари етиб келмоқда.

Собиту сайёрада инсон ўзинг, инсон ўзинг, Мулки олам ичра бир ҳокон ўзинг, султон ўзинг... Бунда ок бирла қаро, зулмат, знё, шох, гадо Жанг қилурлар доимо, ул ён ўзинг, бул ён ўзинг... Ўзим Арслонбобда, юксак тоғлар қўйнидаману

ди. «Жоним қизим, — дейилганди хатда, — бугунги таънанг менинг эт-этимдан ўтиб кетди. Мен аслида, сен айтганчалик зикна, курумсок, хасис одам эмасман. Йўқ, асло! Шунини унутмагилки, умрим бўйи фақат ҳалол меҳнат билан нон топиб, сенларни катта қилдим. Лекин, на илож. Ҳозир замон чаппа айланиб кетди. Биз ишонган умид, ишонч тоғлари қулади. Давр эпчилларники, топагонларники бўлиб кетди. Биз эса ўша учқур поезддан, замон поездидан тушиб қолдик... Бугун сен отган маломат тоши сўнги томчи бўлди».

— Хат эгасининг мурдасини пайшанба куни тонг саҳарда қишлоқ шаҳарга туташадиган жойда, тутзордан топиб олдилар, — дейишди прокуратурада, — ўзини осиб қўйган экан.

Гап нимадалигини суриштирдим. Айтиб беришди. Толибжон ака (исмини ўзгартириб беряпмиз) умр бўйи ўқитувчилик қилган соддагина одам экан. Саккиз фарзандни вояга етказибди. Тўнғич набирасини уйлаш мавриди келиб қолибди. Набираси гўдаклик пайтидаёқ Толибжон ака боланинг уйланиш тўйига битта бука ҳадя қилишни ўз гарданига олган экан. Яқинда эса, тўй арафасида кизи отасига ўша ваъдасини эсга солибди.

кейиб юрди. Мени «Тоға-тоғажон», янгасини «Янғаянғажон» қилиб, ўзини яхши кўрсатиб олди. Тузими, дастурхонимизга шерик бўлди. Мен берган нонимни миннат қилмоқчи эмасман. Йўқ, гап бошқа ёқда.

Ҳамроҳим оғир уф тортиб, гапини давом эттирди ўшанда.

— Кейин аста-секин сезиб қолдим. Йигитнинг чўнтагида анча-мунча-пуллар пайдо бўла бошлади. Дамба-дам ичиб келадиган одат чиқариб олди. Ўзи оддий талаба бўлса, ароқнинг нархи эса осмонда. Буёғини қандай тушуниш керак, дея роса ўйландим. Кейин билсам, бирга ўқийдиган чет эллик йигитлар билан тил бириктириб, доллар ёрдамида пул ишлашни қасб қилиб олибди. Улар ўз юртларидан олиб келган валютани сал-пал нархида пуллаб, ортинги олиб қоларкан. Ҳозир ким кўп — чет элга чиқаётганлар кўп. Ҳаммаси ҳам майли. Қуни кеча у бизникига кириб келди. Менинг оз-моз пулга муҳтожлик сезаётганимдан дарак топган экан. Нима дейди денг: «Ташвишланманг, тоға, сизга бир ой муҳлат билан ўн минг сўм бериб туришим мумкин. Лекин бир ойдан сўнг уни йигирма фоиз қўшимчаси билан, ўн икки минг қилиб қайтарасиз». Қотиб қолдим. «Қори Ишқамба бўлиб кет-а!» дея олдим, холос.

ИҚТИСОД иқтисод билан, лекин у оддий одамгар чиликнинг йўлида тўғаноқ бўлмаслиги керак. Қўш ниларим Ҳалим ака ва Салим ака бир идорада ишлашади. Бирида машина бор, иккинчиси эса — яёв. Неча-неча йиллардан бери Ҳалим ака Салим акани ишга бирга олиб кетарди. Табиийки, бепул. Қуни кеча эса юрагидагиларни яширмай айтди-қўйди.

— Энди, Салимбой, ҳисоб-китоб қиладиган замон ҳам етиб келди чамаси. Бензиннинг нархи қанча бўлиб кетди, ўзингиз биласиз. Автобуста юрсангиз ҳам қунига бир-икки сўм тўлайсиз-ку! Шу нарсени кўнгилдан ўтказинг-да, бир ойдами, икки ойдами беш-ўн литр бензиндан қарашиб юборинг...

Бир танишимнинг саккизинчи синфда ўқийдиган ўғли эса мактабдан олиб келадиган баҳоларини ҳам пулга чақишни одат қилиб олган.

— Дада, — дейди у кундалигини қўлида ўйнаб, — бугун яна «беш» олдим. Йигирма тўртта бўлди. Ўттиз учтага етганда ҳар бирига уч сўмдан, жами тўксон тўққиз сўм берасиз. Ўзимда олти сўм бор, қўшиб футбол тўпи сотиб оламан...

Ҳали айтиб ўтганим тарозининг кейинги палласига тузукроқ назар ташлайлик. Урушдан кейинги оғир йиллар ҳали-ҳамон эсимда. Ўзбекистоннинг шундайгина четарасида жойлашган Мосси қишлоғида яшаймиз. Асли Қирғизистон бу ер. Қишлоққа Кавказдан мингга яқин чечен оилалари кўчиб келтирилган. Ҳаётимиз оғир. Уларники эса ундан баттар. Тонг саҳарда қопни қўлтиқларига урганча яқин-атрофдаги адирларга чиқиб кетадиларда, кун бўйи тошбақа терадилар. Оқшомда қайтиб келишиб, туни билан тошбақаларни чақиб чиқадилар, яъни палласини паллага, гўштини гўштга ажратадилар. Кейин эса тошбақа гўштидан шўрва қайнатишади...

Ҳа, бир чангал тоғли халқ вакиллари бир вақтлар Ўрта Осиёга сурғун қилинган машъум кунларида ана шундай оғир пайтларни бошдан кечирган эдилар. Лекин улар ва маҳаллий халқ орасида бирор марта нон талашиб, бойлик талашиб жанжал бўлган эмас. Ҳа, ҳаёт кийин эди, катта ташвиш бор эди. Лекин ўзаро ҳурмат ҳам, одамлилик ҳам, меҳр-шафқат ҳам бор эди орада.

ХАЛҚИМИЗДА «Ўсма кетар, кош қолар», деган ажойиб нақл бор. Биржалар, акционерлик жамиятлари, менеджерлик, брокерлик ўринлари, валюта... Буларнинг ҳаммаси пайдо бўлади, ривожланади, тақомиллашади, қўпаяди, йўқ бўлади. Лекин одамлилик, меҳр-садоқат, олижаноблик абадий қолади. Гўзал август оқшомида Арслонбоб осмонидаги ёқут юлдузларга тикилиб ётарканман, ана шулар ҳақида ўйладим. «Йўқ, ўғлим, — дедим ўзимча, — ордени сотмаймиз!»

Қодиржон СОБИРОВ.

*Конкурс-танлов ҳошииси:
Ўзбекистон Республикаси маҳаллий саноат, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.*

«БЕЗАМОҚ ЧОГИДИР УМР ДАФТАРИН» Конкурс-танловига



хаёлларим пастда, мураккаблиги соддалашмаётган, чигаллари, тугунлари хали-бери ечилмаётган ҳаётимизда. Хаёл узоқларга бошлаб кетади.

...Бундан бир hafta муқаддам кечки пайт хат ташувчи олиб келган газетани ўғлим варақлаб кўрида, ярим чин, ярим ҳазил билан менга сўз котди:

— Яна «Орден сотиб оламан» деган эътибор босилибди, дада ёки Сиз ҳам орденингизни сотиб юбора қоласизми?

— Йўқ, ўғлим, — жавоб қилдим мен, — нимани сотсам ҳам ордени сотмайман. Кўнглинг тўқ бўлсин.

Бу орден менга раҳматли дадамдан қолган яққаю ягона мерос ва ёдгорлик. Уни 1985 йили май ойида дадамга ўлимидан бир неча ой олдин Улуғ Ватан урушининг 40 йиллиги муносабати билан шонли Ғалабаимизнинг нишонаси сифатида топширган эдилар. Мен дамба-дам қўлга олиб, кўзларимга суртаман, меҳр билан ўпаман.

Қарангки, бугунга келиб ўша муқаддас орденга ҳам харидор топилибди!

— Билолмадим, нима қилар экан уни, — дедим хаёллар исканжасида, — кўрсатмаган жасоратининг гувоҳи сифатида кўкрагига тақиб, кўз-кўз қилиб юрармикан ёки эритиб, бирон-бир қимматбаҳо совға сифатида ишлов бериб, сотармикан?

— Ўзингиз кўриб турибсиз-ку, — деди болаларнинг онаси, — ҳозир ҳар ким ўзи билганича тирикчилик қиляпти. Бу ҳам бозор иқтисодининг бир кўриниши бўлса керак.

— Бунинг бозорга нима дахли бор? — дедим мен. Дедиму ўйланиб қолдим.

Бозор иқтисодиёти ва маънавият. Биринчи қарашдан, бу икки тушунча орасида ўзаро муносабат, уйғунлик йўқдай бўлиб кўринади. Лекин биринчи қарашда, холос. Кейинги давр воқеалари бунга далил бўла олади.

Бу ўрнида яқинда Фарғона водийси вилоятларидан бирида эшитганим аянчли воқеа машъум гувоҳлик ролини ўтайди.

Ҳана ерда, прокуратурада менга бир хат кўрсатиш-

— Ҳа, албатта, — дебди ота, — ваъда қилдимми, олиб бераман.

Толибжон ака ўзи кейинги пайтда бозор иқтисодиёти муносабати билан бироз қисилиброқ юрган экан. Шундай бўлса-да навбатдаги яқшанбалардан бирида бозорга йўл олиб, кичикроқ букача харид қилибди. Лекин кизи олиб келинган ҳайвонни кўрибдию аюҳаннос солибди.

— Дада, — дебди аччиғига куч бериб, — бука деганингизнинг эчкидан фарқи йўқку! Ўғил уйлантираётганимни унутиб қўйганга ўхшайсиз...

Сўнг отани курумсоқликда, нонемасликда айблаб, хийла гапларни айтиб юборибди. Ушбу букачани сўйиб тўй қилгандан кўра қилмай қўйиши маъқул эканлигини гапирибди... Кўзёш тўкибди.

Ота маънос бош эгиб, уйдан чиқиб кетибди. Қуни бўйи қаерларда юрганини ҳеч ким билмайди. Қолган гапдан эса сизнинг хабарингиз бор.

...АРСЛОНБОБ осмонидаги юлдузлар хира милтирайди. Бобош ота чўққиси томондан салқин шабада эса бошлади. Ҳаёл эса яна узоқ-узоқларга етаклайди: қаёққа қараб кетяпмиз ўзи? Биз от солган йўл охир-оқибат қаёқларга олиб боради?

Дунёда пул, озик-овқат, маржон-такинчок сингари реал, аниқ, қўл билан ушлаб, қўз билан кўрса бўладиган нарсалар, шунингдек олижаноблик, одамлилик, меҳр-муҳаббат, шафқат, садақат сингари абстракт, яъни мавҳум, сиз билан биз фақат сеза олишимиз, ҳис қила олишимиз мумкин бўлган нарсалар бор. Бу иккаласи гўёки тарозининг икки палласи. Аммо, кўрқаманки, кейинги пайтда биринчи палла тарози тошини босиб, иккинчи палла бутунлай сояда қолиб кетаётган кўринади. Ногоҳ яқинда поездда эшитган бир суҳбатим ёдимга тушди. Ушанда ҳам-купе ҳамроҳим куйиниб, бир гапни айтган эди.

— Замонамиз қанчалар тез ўзгариб кетяпти-а! Бундан тўрт йил аввал Тошкентга жияним ўқишга келган эди. Соддагина, ибодли, ҳаёли, ориятли йигит эди. Бир амаллаб ўқишга кирди. Политехника институтига. Қунора, hafta ўтказиб, бизникига келиб-

ЖАБРДИЙДАЛАРГА ЁРДАМ

Андижонда Наманган, Фарғона, Андижон, Ўш ва Хўжанд вилоятлари касаба уюшмалари кенгашлари раислари зилзиладан каттик зарар кўрган Жалолобод вилоятига қўшимча ёрдам бериш учун маслаҳатлашишга тўпландилар.

Ҳамкорликдаги олти вилоят оксоқоли — Наманган вилояти касаба уюшмалари кенгаши раиси Ҳабибулло Абдурахимов Жалолободдаги вазиятни йиғилганларга тушунтирди.

— Ҳозир ҳаммамизга ҳам оғир, — деди у — Лекин барибир бир-биримизни қўлашимиз, оғир кунларда мадад беришимиз даркор. Биз икки йил аввал тузган шартномамиз ўз ама-

лиёти билан кадрлидир. Тўғри, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жабр кўрган жалолободликларга 1 миллион сўм ёрдам уюштирди. Бизнинг вилоятларимиз ҳокимликлари ҳам Жалолобод аҳолисига баҳоли қудрат ёрдам берди. Лекин барибир шу оғир кунларда яна қўшимча мадад беришга тўғри келаяпти.

Беш вилоят касаба уюшмалари раҳбарлари зилзиладан азият чеккан Жалолобод вилоятига ўзлари раҳбар бўлган вилоятлар касаба уюшмалари кенгашлари ҳисобидан 300 минг сўм ёрдам беришга қарор қилишди.

«Ишонч» муҳбири.

«Кўшнинг тинч — сен тинч», деб бежиз айтмаган, доно халқимиз. Зеро, тинчликка нима етсин.

Бугунда бизга жондош, қондош қўшни Тожикистонда бўлаётган

манистон, Тожикистон Ешлар Иттифоқи етакчилари Тошкентга йиғилишиб, Тожикистон Республикаси Олий Кенгашига, Вазирлар Маҳкамасига, Тожикистон Ешлар Иттифоқи Марказий

ТИНЧЛИК БЎЛСИН БАРҚАРОР

воқеалар халқимизнинг ёшу қарисини ўйлатиб қўйган. Шунинг учун ҳам ҳар бир ўзини тинчлик ишига масъул деб билган инсон бу воқеаларга бефарқ қараб тура олмайди. Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Турк-

Қўмитасига, Тожикистон халқлари ва ёшларига муурожаатнома қабул қилдилар. Бу муурожаатнома куйган кўнгилашга, тушқун қалбаларга осойиш ва қушойиш беришга умидвормиз.

Зебо АХРОВО.



НОДИРАБЕГИМ ТАВАЛЛУДИ ОЛДИДАН

Андижон вилоят маданият бошқармаси ва вилоят ёшлар иттифоқи ҳамкорликда хассос шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишлаб ёшларнинг Нодира газалларини ифодали ўқиш бўйича кўрик танлови ўтказди. Шоира ҳаётига боғлиқ сахна кўринишлари ёрдамида газаллар янгради. 1—2—3 ўринларга аталган совринлардан ташқари рағбатлантирувчи мукофотлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

— Бизнинг катнашчиларимизга 3-ўрин берилди. Лекин гап ўринда ҳам, мукофотда ҳам эмас,— дейди Олтинкул район маданият бўлими бошлиғи Муқаддас Маҳмудова.— Энг муҳими тайёргарлик жараёнида ёшларимиз Нодирабегим гулшанининг остонасидан хатладилар. Унинг меросини дил ёниб ўргандилар. Ўтли газалларнинг хаяжон ва ҳайратидан баҳраманд бўлдилар. Кўрик танловининг моҳияти асли шунда.

Кўрик танлов якунида бадий ўқув усталарининг бирнечтаси жумҳурият «Мархабо талентлар!» танловига тавсия қилинди.

З. РҶЗИЕВА.

КОСОНДАГИ 2-пахта тозалаш заводи қошида ширинликлар ишлаб чиқарадиган кичик корхона ташкил этилди. Корхонада бу йил 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда. Тайёрланаётган беш турдаги маҳсулотлар биринчи навбатда завод ишчи-

КОРХОНА ИЧИДА КОРХОНА

хизматчиларига анча арзон нархларда сотилиш билан бирга, шаҳар аҳолисига ҳам савдога чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, ёрмоқ заводи қошида кир совуни ва ширинликлар ишлаб чиқарадиган, 21-автокорхона ҳузурда асарларчилик билан шуғулланувчи кичик корхоналар ташкил этилди. Шундай қилиб, Косондаги жами кичик корхоналар сонинг йиғирма иккига етди.

Нормамат ТОҒА.

СИЙНАДАГИ САНЧИҚЛАР

Ленин номли жамоа хўжалигида 30 йилдан ортиқ трактор ҳайдадим. Далага сепиладиган ҳар хил заҳарли дорилар таъсирида касалликка чалиниб, ярим жон бўлиб қолдим. Пенсия ҳам, ҳеч қаердан ҳеч қанақа ёрдам пули ҳам олмайман, оилавий аҳволим оғир. Уйимнинг ёнгинасида олмачорвок бор эди. Шунга олти йилдан бери қоровул эдим. Бу олмачорвок бригада чегарасига жойлашган. Шу ернинг бригадари ва бу ернинг бошқа бошликлари аҳволимни кўра-билла туриб бу ишни мендан олишди. Энди нима қилишимни билмай юрибман.

Ниёз ЖАББОРОВ,
Навоий вилояти, Хатирчи райони.

Ўрта маълумотли ҳисобчиган. Болалиқдан ногиронман. Ғаллаорол райони, Ғ. Гулом номли давлат хўжалигининг 2-чи бўлимида 12-йил узлуксиз сутчилик ҳисобчиси бўлиб ишладим. 1992 йил 6 апрель куни хўжалик маъмурияти томонидан мен ишлаб турган вазифа қисқартирилди. 4 нафар фарзандим бор. Фарзандларимдан биттаси ҳам болалиқдан 2-гурӯх ногирони. Иш жойлар қисқартирилаётганда ҳали бир йил ҳам ишлаб ўзини кўрсатмаганлар қолиб, мендай бир муҳтожларга оғир бўлди. Нега айрим раҳбарларимиз одам кадрига етишмайди?

Абдусмон САМАДОВ,
Жиззах вилояти.

Мен Шўрчи районидаги Крупская номли № 1 болалар боғчасида ишлаб ҳомилидорлик таътилига чиққандим. Апрель ойида болам бир ярим ёшга тўлди. Иш жойимга келиб ишламоқчилигимни боғча мудирасига айтдим. Мудира сизнинг иш жойингиз қисқарган, энди сизга иш йўқ деди. Мен бу ҳолатдан беҳабар эдим. Шўрчи район раҳбарларига, жумладан ҳокимиятда ишлайдиган Ҳакимовга, касоба уюшма раиси Сафаровларга мурожаат қилдим. Улар ҳам ёрдам бера олмадилар. Уч фарзандим бор, уларни боқиш учун эса ишлашим керак.

Гулиҳон МАМАДИЕВА,
Сурхондарё вилояти.

Йиғирма йилдан буён Фориш райони дизенфекциялаш станциясида ҳайдовчи бўлиб ишлаб келдим. Иш давримда бирон марта чора ёки огоҳлантириш олмаганман. Лекин кўп мараба раҳматлар олганман. Меҳнат таътилидан қайсам, бошлиғимиз ижарага ўтишимизни айтди. Мен бунга норозилигимни билдирдим. 1992 йил 23 январдан бошлаб ишдан бўшашимга буйруқ чиқарилди. Шундан бери бекорман. Оиламда йиғирма жонмиз. Ишхонамда мен билан меҳнат шартномаси ҳам тузилмади, жамоа йиғилишида ишим кўрилмади, касоба уюшмаси эса тақдирим билан умуман қизиқмади.

Жавлон МАВЛОНОВ,
Жиззах вилояти, Фориш райони,
Фориш давлат хўжалиги, 1-бўлим.

Бўлимда тўрт киши ишлар эдик. Ҳаммасидан олдин ишга келган, ҳаммасидан ёши катта, ҳаммасидан фарзанди кўпи ҳам мен эдим.

Қарангки, камбағалнинг оғзи ошга етганда бурни тошга етади, дегандай келиб-келиб мен бечора қисқартирилдим.

Толибой БОЙМУРОДОВ,
Самарқанд вилояти, Кўшработ райони,
Эргаш Жуманбулбул ижара-хўжалиги,
Оқмачит қишлоғи.

«Саҳоват» журналининг 1992 йил 2 сонида «Дехқонга имтиёзли нафақа» руқни остида қишлоқ хўжалик ходимларига имтиёзли шартларда ва кўп йиллик хизмати нафақаларини тайинлаш шартлари ва тартиблари ҳақида тавсиялар берилган.

Тавсияларнинг 4-«Чўпонларга кўп йиллик

хизмат нафақаси» бобида бундай дейилган: «Чўпонларга кўп йиллик хизмати нафақаси фақат улар ишни тўхтатганларидан кейингина тайинланади». Тавсияларнинг II «Нафақа тўлаш» қисмида эса «Чўпонларга тайинланган кўп йиллик хизмати нафақаси шундай ҳуқуқни берувчи ишни тугатгандан кейингина юқоридаги тартибда тўланади» дейилган. Демак имтиёзли нафақага чиққан тракторчи, сут соғувчи, молбоқар, агар ишласа ҳам иш ҳақини, ҳам нафақасини олиши мумкин-у, нима учун чўпон ҳам ишлаб иш ҳақини, ҳам нафақасини олиши мумкин эмас? Бу тавсияларни республика яйловларидаги вазиятдан мутлақо беҳабар одам ёзганга ўхшайди. Ҳақиқат шуки, ҳозир яйловларда кўп боқаётган чўпон-чўликларнинг 70—80 фоизини нафақа ёшидаги кишилар ташкил этади. Агар бош чўпон, имтиёзли нафақага чиқиб, ишдан расман бўшаган тақдирда ҳам кўрадан, яйловдан кетмайди, аввалги ишини давом эттираверади. Бош чўпонлик ёки чўпонликни ўгли, хотини, бошқа қариндоши номига расмийлаштиради-ю, лекин ўзи кўп боқишни тарк этмайди. Афсуски, юқоридаги тавсияларга биноан энди бирон сўм маош олмайди. Бу чўпонга нисбатан ноҳақлик эмасми?

М. МЕНГЛИЕВ,

Дехқончилик- агросаноат мажмуи ходимлари касоба уюшмаси Нурота район кўмитасининг раиси.

Бизни хўжалик марказидаги мактаб, савдо шаҳобчалари, қолаверса, касалхона, борингки, қабристонга ҳам боғлайдиган Октошнинг шоҳ йўли бор. Саратонда елкамизга илашган чанг-тўзон майли-я, айни баҳор, кузакда лойдан оёқни кўтариш қийин.

Хурматли раҳбаримизга бу ҳақда мактуб йўлловдик. Вилоят раҳбарлари 1992 йилдан бошлаб бу йўлни таъмир қиламиз, деб ваъда беришганди. Бу йилнинг ҳам олти ойи ўтмоқда. Бу ҳақда район ҳокимлигига эслатув хати ҳам ёзувдик. Барибир ўзгариш йўқ. «Ишонч» ўз саҳифаларингда бу ҳақда эслатиб кўйсанг, зора бир ўзгариш бўлар.

А. Баянов, О. Саримсоқов, У. Отабоев,
Х. Бозоров... жами 16 имзо.
Жиззах вилояти, Фориш райони,
К. Маркс номли давлат хўжалиги.

Ҳозирги кунда баъзи маълумотларга кўра Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва бошқа кўпгина вилоят марказларидаги ўрта мактаблар деярли компьютерлаштириб бўлинган экан.

Эндиликда шаҳар боғчаларини компьютерлар билан таъминлаш иши ҳам йўлга қўйилган эмиш. Лекин, қишлоқ мактаблари-чи? Менимча, қишлоқ мактабларида микро ЭХМларни, компьютерларни ўрнатиш учун мактаблар ёнида махсус хоналар қуришни планга киритиш ва тезлаштириш керак. Буларни қураётганда келажакда кўпгина фанларнинг компьютерларда ўқитилишини ва имтиҳонларнинг компьютерларда топширилишини эътиборга олиш керак, албатта. Мен информатика фанини ўқитишнинг ўзига хос кийинчиларини эътиборга олиб шу фан ўқитувчиларига ҳақ тўлашнинг янги формасига ўтиш керак, деб биламан.

Бахтиёр БҶРОНОВ,
Навоий вилояти, Нурота райони
О. Бозоров номли 9-ўрта мактаб муаллими.

● Шу кунларда «Ишонч» таҳририятига келаятган хатларнинг аксариятида ҳамон инсонга оқибатсизлик ҳақида.

Биз жойлардаги касоба уюшмаларидан юқорида зикр этилган «Сийнадаги санчиқлар» — шикоят ва аризаларга мутасадди ташкилотларнинг масъуллигини эслатиб кўйишларига умидвормиз.

ЖИЗЗАХ ЯНГИЛИКЛАРИ

● ЗАФАРБОД районидаги Охунбобоев номли давлат хўжалиги касоба уюшмаси кўмитаси ташкил этган махсус автобус сарфанд қайтиб келди. Унда 32 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари бор эди. Саёхатга отланган оксоқоллар аввал Андижон областининг диккатга сазовор жойларини томоша қилдилар, сўнгра Қирғизистон Республикасининг Ўш областига қадам ранида қилдилар. Зиёратгоҳ жойларни товоб этдилар.

● ЖИЗЗАХ шаҳрида оналик ва

болалиқни химоя қилиш маркази ишга тушди.

Марказ 300 ўринли бўлиб, 13 бўлимдан иборатдир. Ундаги дорихона, маслаҳатхона, текшириш ва даволаш, марказий химоялаш, туғуруқхона бўлимлари замонавий тарзда жиҳозланган.

Тиббиёт марказида 50 нафар олий маълумотли врач, 200 нафар ҳамшира, 120 нафар кичик тиббий ходим фаолият кўрсатмоқда.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«ИШОНЧ» муҳбири.



Она-ер, инсон ризқ-рўзини яратганинг учун сенга минг қулук! Сенинг саҳоватингга, меҳрингга дехқон меҳнати, шижоати омухта бўлиб, ноз-неъматлар яратилмоқда.

Ушбу сурат Тошкент вилоятининг Зангота районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Қобил ака Фозилов бригадасида бақлажон териш пайтида олинган. Улар йиллик режани муддатидан олдин адо этишди.

Хирмонингиз янада баракали бўлсин!

Нуъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

«ИЛОЙИМ БУЮРМАСИН»

МЕН шаҳарда ўқийман. Яқинда уйга борган эдим, онамнинг зор-зор йиғлаб ўтирганининг устидан чиқиб қолдим. Суриштирсам, онажоним биз сағирлардан орттириб, яхши кунларга, укаларимнинг тўйларига атаб оз-оздан йиғиб қўйган мато ва пулни ўмариб кетишибди. Милицияга хабар бердик. Улар келиб, қўл ва оёқ изларини олиб кетишди, бамайлихотир иш кўришди. Лекин ҳаммаси бефойда. Бу ўғриларнинг дастидан ҳамма юрак олдириб қўйган. Ахир, одамлар ишониб йорган милиция ҳам ёрдам бера олмаса, яна кимга мурожаат қилайлик?

Қаҳрамон НУРАЛИЕВ,
Сурхондарё вилояти, Термиз райони, Намуна жамоа хўжалигининг 16-бригадаси.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ. «Зарбулок» марказий кўрғонда «Камалак» кичик корхо-

«КАМАЛАК»
МАРҲАМАТИ

наси очилди. Унда жемпер тўқиш, болалар учун кийим-кечак тиқиш ишлари йўлга қўйилди.

Алибой ЭРГАШЕВ.

Биздан сўрабсиз

Саволларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг бўлим мудри Хамидулла ПИРИМҚУЛОВ жавоб беради:

???

Мен 1989 йили Тошкент алоқа техникумини тамомлаб, армия сафида хизмат қилдим. 1991 йили Яккабоғ районидagi алоқа бўлимига ишга кирдим. Бир ой давомида газета тарқатувчи бўлиб ишладим. Кейин ўриндошлик вазифаларида ишлашга тўғри келди. Мен меҳнат қилаётган бўлимда олти кишининг бирортаси ҳам ана шу ихтисосга эга эмас. Лекин штат қисқарди, деган баҳона билан мени ишдан бўшатди. Шу тўғрими?

Асқар НАФАСОВ,
Қашқадарё вилояти,
Яккабоғ райони.

Бундай ҳолларда маъмурият меҳнат ҳақидаги қонунлар мажмуасининг бир неча моддасига амал қилиши керак. Яъни, 51/2 моддага мувофиқ ишчи ходимлар штат қисқариши ҳақида икки ой аввал огоҳлантирилиши шарт. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунларига кўра, ходимларнинг сони ёки штат қисқартирилган тақдирда шу корхонанинг ўзида мутахассислиги ва касби-кори бўйича бошқа иш берилиши, агар имкони бўлмаса ёки ишчи-ходим таклиф этилган ишга ўтишга розилик бермаса, у ҳолда ўз хоҳиши билан меҳнат биржасига мурожаат этиши керак.

Бир хил турдаги лавозимлардан айримлари қисқартирилган пайтда қайси ходим ишда қолиш-қолмаслиги масаласи 42-моддага биноан ҳал этилиши зарур:

Меҳнат унумдорлиги ва малакаси бир хилда бўлган ҳолларда қарамоғида икки ёки ундан ортиқ оила аъзолари бор ходимларга, оиласида иш ҳақи оладиган аъзолари бўлмаган шахсларга, иш стажи кўпроқ бўлган мазкур корхона, муассаса ёки ташкилотда меҳнат қилаётган вақтда жароҳатланган ёки касб касаллигига учраган шахсларга, ихтирочилар ва рационализаторларга ишда қолиш учун имтиёз берилади. Бундан ташқари, маъмурият ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиши учун аввалдан касаба уюшмаси кўмитасининг розилигини олган бўлиши керак.

???

Мен 15 йилдан зиёдроқ битта идорада ҳисобчи бўлиб ишлайман. Шу билан бирга болалигимдан юрак хасталиги ва нафас йўллари шомоллаш касаллиги билан оғрийман. Шу сабабли, йил давомида бир-икки марта даволанишга мажбурман. Шифокорларнинг хулосасига кўра менга иккинчи гуруҳ ногирони берилди. Мен эса касбимни яхши кўраман, ишим ўзимга ёқади. Эшитишимча, иккинчи гуруҳ ногирони нафақасини олсам, вазифадан озод бўлармишман. Шу тўғрими?

Баъзи сабабларга кўра, фамилиямни ёзмадим:

ГУЛНОРА,
Самарқанд вилояти.

Агар сизга ногиронлик гуруҳи хулосасини берган медицина муассасаси ишингизни да-

вом эттиришингизни таъқиқламаса, ишингизни давом эттиришингиз мумкин. Акс ҳолда маъмурият ўз ташаббуси билан меҳнат қонунлари ҳақидаги мажмуанинг 41-модда, 2-бандига асосан, меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин. Бунда сизга аввало маъмурият томонидан соғлигингизга тўғри келадиган иш таклиф этилиши керак.

???

Мен корхонамизнинг тугатилиши муносабати билан ишдан бўшашим ҳақида огоҳлантириш хатини олдим. Айтинг-чи огоҳлантириш муддати тугамасдан аввал, ўз хоҳишим билан ишдан бўшашим мумкинми?

Шухрат ҚУДРАТОВ,
Жиззах вилояти,
Ғаллаорол райони.

Агар ходим икки ойлик огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ўз ихтиёри билан бўшатилишини илтимос қилса ва бунга маъмурият қаршилиқ қилмаса, меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан аввал ҳам бекор қилиниши мумкин.

???

1991 йилда меҳнат нафақасига чиққанман. Шунга қарамай, жамоа хўжалигида бош иқтисодчи бўлиб ишламоқдаман. Шу муносабат билан менга тайинланган қариллик нафақасини ололмаман. Айтинг-чи, шу белгиланган нафақани олишга ҳақлимизми, йўқми?

Ҳасан ЭРҒАШЕВ,
Тошкент вилояти.

Амалдаги қонунларга мувофиқ айрим ишчи-хизматчиларгина, жумладан, ишчилар, усталар ва шу каби меҳнатда банд бўлган жамоа хўжалиги ёки бошқа ширкатларнинг аъзолари, қишлоқ жойлардаги мактаб ўқитувчилари, мактабгача, мактабдан ташқари ва бошқа болалар муассасаларида ишловчи педагогик ходимлар, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот муассасаларида ишловчи тиббиёт ходимлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари бўлган барча нафақачилар маошлари (даромадлари)дан қатъи назар қариллик нафақаларини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Агар сиз хўжалик маъмурияти билан муддатли шартнома тузиб ишласангиз, у ҳолда маошингизни ҳам, қариллик нафақасини ҳам тўлиқ олиш ҳуқуқига эга бўласиз.

???

Биз республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг қишлоқ хўжалигида ишлайдиган аёлларга ҳомиладорлик таътили учун тўланадиган нафақага қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорини эшитиб мамнун бўлдик. Ушбу нафақалар ҳисоби қай тартибда тўланиши ҳақида маълумот берсангиз.

Халима ЮНУСОВА,
Малика СУЛАЙМОНОВА,
Наманган вилояти.

Саволга республика агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг раиси Турсун ҚўШАЕВ жавоб беради:

Нархларни мувофиқлаштириш муносабати билан аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет ҳисобидagi муассасалар ходимларининг иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида»ги 1992 йил 20 март ва 27 июнда эълон қилинган Фармонларига мувофиқ ҳақиқатан республика жамоа хўжаликлари кенгаши раёсати ва Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси «Жамоа хўжалиги аъзоларини меҳнаткашларнинг марказлаштирилган ижтимоий суғурта жамғармаси бўйича нафақалар билан таъминлаш тартиби низомига қўшимчалар тўғрисида» қарор қабул қилди, шунга асосан: 1992 йил 1 июлдан бошлаб меҳнаткашларнинг марказлаштирилган ижтимоий суғурта жамғармаси вақтинча ишга яроқсизлик, хомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар, уларнинг меҳнатга яроқсизлиги бошланган ойнинг биринчи кунидан кейинги 2 календарь ойнинг ўртача иш ҳақи ҳисобидан тўланади. Нафақа мана шу икки ой ичида қанча кун ишлаганига қараб фақат ўша кунлар ҳисобидан тўланади.

???

1936 йилда туғилганман. 1956 йилдан бошлаб 17 йиллик меҳнат стажим бор, лекин фамилиям ҳар хил ёзилганлиги сабабли нафақага чиқолмаяпман. Нима қилишим керак?

Ойниса РАҲМАТОВА,
Самарқанд вилояти,
Каттақўрғон райони.

Саволга Ўзбекистон Республикаси Социал таъминот вазирлиги хатлар бўлими мутахассиси Ш. НАБИЕВ жавоб беради:

17 йиллик иш стажингиз сизга тегишлилигига ваколат олиш учун яшаш жойингиздаги халқ судига мурожаат қилишингиз керак.

???

Оилада 10 фарзанд бўлганмиз. Онам 1982 йилда нафақага чиққан. Онамнинг 6-фарзанди Афғонистонда ҳалок бўлган, ўлимидан кейин у Қизил Юлдуз ордени билан тақдирланиб, акам ўқиган мактабга унинг номи берилди. Онамга ўғлини йўқотганлиги учун нафақа тўланадими?

Ихтиёр НАЗАРОВ,
Қашқадарё вилояти,
Ғузур райони.

Ҳозирги кунда амалда бўлган нафақа таъминоти тўғрисидаги қонунга кўра, айти бир вақтда турли давлат нафақаларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга, уларнинг танлашига қараб битта нафақа тайинланади.

Юқориди таъкидлаб ўтилган мавжуд қонунга асосан онангизга ўз хоҳишларига кўра шу икки турдаги нафақалардан бири тайинланади.

Бир йўла шуни маълум қиламизки, Республика Президентининг 1992 йил сўнги Фармонига биноан 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат нафақаларининг энг кам миқдори 1250 сўмга етказилган.

Афғонистонда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига эса уларнинг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари учун республика миқёсидаги алоҳида нафақа белгиланади.

СОДИҚЛИК, БИРДАМЛИК ВА МАҒРУРЛИК...

— Иккинчи сўхбатимизда келишиб олганимиз бўйича бугун ҳўжалик юртишининг ижара ширкатлари, деҳқон ҳўжаликчлари, агрофирма ва корпорациялар каби шакллари фаолияти ҳақида фикр юритсак. Лекин сўхбатни бошламасимиздан олдин бутун «Ишонч» таҳририяти номидан сизнинг 50 ёшингиз билан чин юракдан табриклайман. Бахт-саодат, иқбол тилайман. Буюк ният қилибсиз, шу ниятингизга етинг!

Тургунбой ака бамисоли гўдакдек қувончга тўлди. Кўзлари қақнаб, юзидеги табассумни яширмасди. У ўзини ўзалигича — соф камтар одамий тутарди. Қўлимдан гўлдагани олар экан, Тургунбой ака «Ишонч» борлигига шўкр, раҳмат Тўлқин ака» дедида, ўз одати бўйича қўлларини ишга солиб, гапира кетди...

— Давр тақозоси билан ҳозирги пайтда қишлоқ ҳўжалигимизда ижтимоий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаларнинг мавжуд шакллари ва усулларини тубдан ислоҳ қилишдек муҳим вазифа турибди. «Ер тўғрисидаги», «Мулкчилик тўғрисидаги», «Кооперация тўғрисидаги», «Қорхоналар тўғрисидаги», «Тадбиркорлик тўғрисидаги», «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги» каби қонунларнинг ва бошқа бир қанча ҳўқуқий ҳўжатларнинг қабул қилиниши сиз айтган истиқболли ҳўжалик юртиш шакллариининг фаолиятига кенг йўл очиб берди.

— Ҳўжалик юртишининг шу янги шакллари ва усуллари амалиётга кириб келаетганига сабаб нимада деб ҳисоблайсиз?

— Агар ростини айтсам, ғайритабиий ҳўкм суриб келган ҳўжалик системаси деҳқонни мардикордан ҳам хароб ҳолга келтириб қўйган. Деҳқон учун ишлаб чиқариш самарадорлиги тушунчаси зўрма-зўракиликдан бошқа нарса эмасди. Бугунги кунга келиб қишлоқ ҳўжалиги ривожланишидаги асосий тўсиқлардан бири, ерга ва бошқа ресурсларга ғам-хўрлик ҳиссининг етганмаслигида бўлса керак. Шунинг аэвазига сиз айтган янги шакллари ва усуллари ҳаётга кириб келаяти. Шундай қуртаклардан бири ижара муносабатларидир. Албатта ижарачилик жамоалари маъмурий қўмондонлик қисувларидан ҳали тўла халос бўла олганларича йўқ. Шунга қарамай улар дадиллар. Бизни қувонтирадиган энг асосий томони ижара муносабатларининг ҳўқуқий тан олинниши бўлди. Бу кейинги йиллардаги энг муҳим янгиликлардан биридир.

— Тургунбой ака, шу ҳақда тўлиқроқ гапириб берсангиз.

— Майли. Ижарачи ва мулкдор ўртасида иқтисодий муносабатлар турли кўринишларда: дейлик, ҳўжалик ичиде жамоа, оилавий ва шахсий ижаралар кўринишида бўлиши мумкин. Ижара муносабатларининг кенг тарқалган шаклларида бири ҳўжалик ичидеги ижара ҳисобланади.

— Раис бува, агар мумкин бўлса, ижара жамоаси, ижарачилар уюшмаси, ижара кооперативи каби атамавларин бир атама билан ижара ширкати деб юритсак, газетчон ҳам тушунишга қийналмайдими.

— Маъқул фикр. Ижара ширкатлари ва мулкдорлар орасидаги ижара муносабатлари мулкдан самаралироқ фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдори ва сифатини ошириш максамидеда ўрганилади. Ишлаб чиқарш воситалари узок мўддатга (5 йилдан 50 йилгача) берилди ва шартнома билан мустақамланнади.

— Шу ўринда мени бугун бозор иқтисодиети шароитида ҳўжаликлар ер учун ижара тўловлари мезьерини қандай қилиб белгилашлари мумкинлиги қизиқтиради.

— Бундай маълумотларни АҚШ ва Швеция тажрибасида кўришимиз мумкин. Швецияни олиб кўрайлик. Бу ерда ҳар ижарачига бериладиган ерининг асосий хусусиятлари ижарачи ва мулкдор орасидаги келишув асосида аниқланади. Дейлик 1 га ер, 1 бош маҳсулдор мол учун қатий белгиланган тўлов мезьерлари (сўм ҳисобида), ялли етиштирилган (сотилган) маҳсулот қийматига қараб, ялли ёки соф деромад қийматидан (фонз ҳисобида) маҳсулотга белгиланган ҳўжалик ичидеги ҳисоб-китоб нархлари асосида (сўм ҳисобида), ялли маҳсулотдан натура миқдорда ижара тўлови олиш каби шакллари бор. Бу шакллариинг ўзига хос устулиги ва камчилиги томонлари ҳам мавжуд, албатта.

— Унда ҳўжалик ичидеги ижара муносабатларида шартномавий ва ҳўжалик ичидеги нархлар мезьерини аниқлаш муҳим бўларкан-да!

— Ҳа, бу курсаткичларнинг миқдори шундай белгилашни керакки, улар ижара ширкатлари моддий манфаатдорлигининг ўсишига ишлаб чиқариш ресурсларида самарали фойдаланиш ва юқори пировард натижаларга ижобий таъсир кўрсатиши керак.

— Нархларга унда қандай ёндошиш керак!

— Биринчиси, маҳсулотларнинг ўтган уч йил ичиде эришган сотиш нархларидан келиб чиққан ҳолда, иккинчиси, мезьерий таннархлар асосида ва учинчиси, ишлаб чиқарш харажатларининг мезьерий миқдори асосида ёндошиш мумкин.

— Демак, қайси ҳолатдаги ёндошишларини танлаш ҳўжалик юртиш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш шакллари ҳамда ҳисоб-китоб ишларининг си-

фат даражасига боғлиқ бўлади. Лекин мени қизиқтиратган нарса мақсадли ва эркин ижара муносабатларидир. Сизнингча буни ким белгилайди ва қайсиниси маъқулроқ!

— Иккаласи ҳам маъқул. Мақсадли ижара муносабатларининг моҳияти шундаки, ижарачи ва мулкдорнинг келишувиде қайси экин турлари билан шуғулланиш алоҳида кўрсатилади. Эркин ижара муносабатларида эса, ижарачи фаолияти учун аниқ бир экин тури бўйича маҳсулот етиштириш келишилади. Фарқи шу. Бунни, табиийки ижарачи билан мулкдор белгилайди.

— Энди ижара ширкатлари даромадларининг шаклланиши ҳақида гаплашсак.

— Ижара ширкатлари даромадларининг шаклланиши қуйидаги қондалар асосида олиб борилишини айтсам, киноа қилса керак. Биринчидан, ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги мустақамлик, иккинчидан, ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан моддий маъсулотилик, учинчидан, етиштирилган маҳсулотни сотишда қисман ёки тўлиқ мустақамлик, тўртинчидан, пировард натижалар билан ижарачилар даромадининг бевосита боғлиқлиги.

— Қисқароқ қилиб айтганда, ижара ширкатлари даромадларининг асосий манбаини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини сотишдан ва хизматларини бажаришдан келган тушумлар ташкил этаркан-да!

— Тўғри, бу мавзуйимизга яқун асбб шуни айтмоқчиманки, ижара тўлови мезьерлари, ҳўжалик ичидеги шартномавий нархлар, ижарачилик даромадлари каби кўрсаткичлар ҳам ижарачилар, ҳам ҳўжалик раҳбарлари ва мутахассисларнинг моддий-маънавий фаровонликларини ошириш учун ижобий восита сифатида фойдаланилгандагина, ижара муносабатлари ва ижара ширкатлари қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаши мумкин.

— Раҳмат. Энди навбатдаги мавзуга ўтсак. Сизга маълумки, бир миқёсда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг, хусусан, «Ер тўғрисидаги», «Қорхона тўғрисидаги», «Тадбиркорлик тўғрисидаги», «Деҳқон ҳўжалиги тўғрисидаги», қонунлар ва бошқа бир қанча ҳўқуқий ҳўжатларнинг негизиде деҳқон ҳўжаликчлари ва агрофирмалар каби атамалар ҳўжалик юртиш шакллари сифатида фаолият кўрсата бошладилар. Бугунги кунда хоҳ деҳқон ҳўжаликчлари, хоҳ агрофирмалар бўлсин, улар ўзларининг ҳўқуқий йўлланмасига мустақам иқтисодий заминга, тадбиркор ташкилотларга, тажрибали меҳнаткашларга эга бўлгандагина ва давлатнинг адолатли аралашувиға суянгандагина ишонarli истиқболга эриша оладилар.

— Тўлқин ака, хабарингиз бўлса шахсий томорқа ҳўжаликчлари аҳолининг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда жуда катта ҳисса қўшиб келганига қарамай уларга эътибор жуда паст даражаде эди. Ҳаттоки ҳар бир оила учун томорқа ерлар ва чорва моллари саклаш мезьери ҳам жуда кам даражаде чегараланган эди. Шунга қарамай, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги шахсий томорқа ҳўжаликларининг салмоғи анчагина миқдорни ташкил этарди.

— Қанча фонзиди!

— Масалан, шахсий томорқа ҳўжалигининг сўт ишлаб чиқаришдаги салмоғи 68—70 фонзин, гўшт ишлаб чиқаришдаги салмоғи 48—50 фонзин, сабзавот маҳсулотлари етиштиришдаги салмоғи 40—45 фонзин, картошка етиштиришдаги салмоғи эса 30—35 фонзин ташкил этарди.

— Кўрсаткичларга, янгилишмасам, давлат мулкчилигининг ақка ҳўқимлиги шароитида эришишган. Бундай ислохотдан қутилаётган максамд нима!

— Мақсад ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида шахсий томорқа ва ёрдамчи ҳўжаликларини мустақил деҳқон ҳўжаликчлари даражасига қўтаришдан иборат. Шу боисдан ҳам кейинги уч йил ичиде томорқаларга акрватилган майдонлар 330 минг гектардан ортиқ бўлиб, жами экин майдони 550 минг гектарга етди. Натижада 1,5 млн. оила қўшимча ер майдонига, 800 минг оила янги томорқаларга эга бўлди. Шахсий ёрдамчи ҳўжаликлардаги чорва молларининг сони ҳам сезиларли даражаде ошди.

— Тургунбой ака, оилаларнинг чорва ва томорқа ҳўжаликларига етиштирилган маҳсулотлари машаққатли оғир меҳнат натижаси бўлиб келган. Шу маҳсулотларни етиштириш, янгиштириб олиш ва сотишда етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча аэзоларнинг ҳиссалари бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмасе керак. Аммо, бу соҳада сарфланган меҳнатнинг миқдори ҳеч бир жойде меҳнат стани ёки нарфага нуқтан назаридан ҳисобга олинмайди. Нега шундай!

— Сабаби оддий. Ўзингиз ўйланг, қишлоқ ҳўжалигидеги меҳнаткашининг меҳнатига на давлат, на жамоа ҳўжалигининг ўзиде кераклика эътибор берилмаган бир пайтда томорқа ҳўжалигидеги аҳолвога ким ҳам эътибор қиларди. Иқтисодий мажмуаде оилавий ишлаб чиқаришининг муҳим бўгин эканлиги ҳар томондан инкор этилганлигини биласиз. Оила тушуничаси кўпроқ нуфузшўнослик (демография) фани тадиқотларидангина тилга олинади. Иқтисодийта, аиникса иқтисодий статистика кўрсаткичларида эса, оила томорқа ҳўжаликчлари, оилавий ёрдамчи ҳўжаликлар деб аталш ўринга «шахсий томорқа ҳўжаликчлари», «шахсий ёрдамчи ҳўжаликчлари» деган иборалардан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш муносабатлари нуқтан назаридан таҳлил қилинганда

ҳам, томорқа ёки ёрдамчи ҳўжалик оилавий характерга эгаллигига ҳаммага маълум. Эндиликде ақиде парастларнинг эҳтиёткорона ўйлаб топган бундай ибораларини моҳият ва мазмун жиҳатдан янгилаш муҳим аҳамиятга эга.

— Шу боисдан ҳам, деҳқон ҳўжаликчлари нисбатан муносабатларининг ўзгараётганлигини дадил қўллаб-қувватлаш лозим экан-да.

— Тўғри, чунки ижтимоий эҳтиёжни қондиришга сарфланган оилавий меҳнатни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш имконияти юзага келаетгани диққатга сазовордир. 1991 йилде деҳқон ҳўжаликчлариға қишлоқлардаги тадбиркорлиқни ривожлантириш учун 1 млрд. сўмлик ёрдам ажратилди. 1992 йилде деҳқон ҳўжаликларини ташкил этиш учун 200 минг гектар ер ажратили кўзда тутилди.

— Кўрилаётган тадбир ва чоралар республика иқтисодийтадиғи қишлоқ ҳўжалик тармоқларининг бевосита таъсирини мустақамлашга қаратилган демоқчизид-да!

— Албатта, ахир ҳозирги кунде республика жами маҳсулотининг ундан бир қисми, миллий даромаднинг 40 фонзи шу тармоқларга тўғри келади-да.

— Демак, деҳқон манфати ва ҳўқуқининг ҳимоя қилиниши, авваламбор шахсининг, сўнгра давлатнинг, умуман олганда эса, жамиятнинг бойлиги қўлайишига асосдир.

— Тўппа-тўғри. Янги шароитде деҳқон ҳам мулк-

Ҳаётний сабоқлар

асосан механизация даражаси паст сабзавот экинлари ва шолчиликде кузатилади. Унда деҳқон ҳўжаликчлари оила миқёсида 2—4 кишидан иборат бўлади. Аҳолиси зич бўлган пахтакор ҳўжаликларда ишлаб чиқаришининг уюшуви оила миқёсида чиқиб, бир нечта оилаларнинг ҳам уюшувини мақсадга мувофиқ қилиб қўяди. Бу ўз навбатида, икки бўгинли уюшувини ташкил этади. Биринчи бўгинде оила аэзоларининг биргаликдаги уюшуви бўлса, иккинчи бўгинде оилаларнинг ўзаре уюшуви шаклланади.

Ишлаб чиқаришни самарали ташкил этишга мўлжалланган икки бўгинли уюшув, деҳқон ҳўжаликчлари уюшмаси деб аталиши мумкин.

Баэзи ҳолларде қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаруви ва қайта ишлашнинг ҳамкорликде ташкил этилиши агро мжалар деб юритилиши мумкин.

Бу мавзуни ақунлаб шуни айтмоқчиманки, ҳўжалик юртиш шакллари, деҳқон ҳўжалиги, фермер ҳўжалиги ёки агрофирмалар деб аталишдан қатъи назар, деҳқон ёки чорводорнинг меҳнат даромадларини оширишга хизмат қилмоғи керак.

Эндиғи мавзуимиз эса корпорация, унинг моҳияти ва шакллари ҳақида.

— Бажонидил. Чарчамаган бўлсангиз, асосий гапга ўтмасингиздан олдин баэзи саволларни берсам.

- Марҳамат, яна тез интервьюи!
- Шундай дея қолай. Танқидга муносабатингиз!
- Танқидни ёмон кўраман.

ПОКЛАНИШ

МУСТАҚИМЛИК

КУНИДАН БОШЛАНИШ

УЧИНЧИ СЎХБАТ

дор, ҳам тадбиркор сифатида иш юритади. Айтишларича, америкадеги фермер самарали фаолият кўрсатиш учун 11 хил мутахассисликнинг билимдонли бўлиши керак экан.

— Шунинг учун бўлса керакки, бир фермер 74 кишини таъминлайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришга улгураяпти.

— Тўлқин ака, яхши эслатдингиз. 1820 йилде бир америкалик фермер 4—5 кишига, 1920 йилде 8—9 кишига, 1960 йилларде эса 40—45 кишига етадиган қишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқарган экан. 1861 йилде Россияда крепостной ҳўқуқ бекор қилинганда, деҳқонлар иқтисодий очор бўлганлиги сабабли, мустақил фаолият кўрсатишга бир неча йилларгача журъат эта олмаган эканлар. Шунга ўхшаб ҳозирги шароитде ҳам, деҳқонлар яратилган ҳўқуқий имкониятлардан фойдаланиш даражасида эмаслар. Чунки уларнинг ҳамёни алоҳида иш юритиш даражасига етмаган.

— Унда нима иш қилиш керак!

— Ижтимоий жиҳатдан деҳқон товар ишлаб чиқаруви сифатида ҳимояланишининг асоси, у яратган маҳсулотининг даромадини ҳимоялашдан бошланади... Яна бир муҳим гап, агар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш, янгиштириш, ташши ва сотиш, даромадини ўзлаштириш бўгинлари давлат томонидан ҳимояланмас экан, озик-овқат муаммосининг мураккаблашувиға чек қўйилмайди.

— Шунинг учунми, юзага келаетган муаммоларга на йирки, на майда ишлаб чиқариш қорхоналари бардош бера олмаётлар.

— Чунки шу пайтгача, Тўлқин ака, қишлоқ ҳўжалик қорхоналарининг катта-кичиклиги маъмурий-қўмондонлик таъйиқи билан белгиланган-да. Шу таъйиқни бартараф этилиши деҳқонларнинг ихтиёрийлик ва омиликорлик асосидаги уюшувини вужудга келтирди. Бу уюшув ишлаб чиқаришни муқобил юртиш талабларидан келиб чиқishi керак.

— Тургунбой ака, шу гапни қандай мисоллар билан ифодаляйсиз!

— Агар ҳозир пахтачиликде бир ишловчиға 1—1,5 га ер тўғри келса, оилавий-қариндошлик негизиде бирлаштириладиган бўлса, 5—8 гектардан ортмайди. Бундай майдондаги шарт-шароитлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлай олмайди.

— Нега!

— Асосий сабаблардан бири, механизациялаш воситалари мажмуасини кичик майдонли ҳўжаликларде фойдаланиш ўз харажатларини қопламайди. Деҳқон ҳўжаликларини ташкил этишдан топилган тартиб икки турде мавжуд. Биринчи тур деҳқон ҳўжаликчлари бир погонали тартибде эга бўлади. Бу

демоқчимен. Асрлар мобайниде шаклланиб келаетган ривожланиш йўли рад этилиб, манфаатпарастлик, гуруҳболик қувиниға дўчор қилинди. Шу ўринде Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрларини эсламай бўлмайди.

Унга уқтирдилар,
Оқи қора деб,
Чунки бир қорани
Оқлаш лозим эди.

Унга уқтирдилар,
Тоқни бу — жуфт, деб,
Чунки битта жуфтни
Тоқлаш лозим эди.

Унга уқтирдилар,
Қинғир тўғри деб,
Чунки бир қинғирни
Еқлаш лозим эди.

Хулоса қилиб айтсам, умуман репрессия йилларида қирқ миллиондан ортиқ аҳоли қурбон бўлди. Бу қурбонлар қинғирни ёқлаш, қорани оқлашнинг оқибати эди.

— Бу гапларингиздан келиб чиқадиган хулоса шуки, давлат корпорацияси шароитида нафақат мустақил товар ишлаб чиқарувчиларини бирлашувиға, балки уларнинг эркин фаолият кўрсатишиға имкон бўлмаган.

— Тўғри, давлат корпорацияси ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол доирасига мутлоқ ҳўкмронлиқни эгаллаган эди. Иқтисодийта фани фақат сиёсатни шарҳлашга ва баён қилишга қурилган эди. Яратилган миллий даромад асосан ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланди. Истеъмол ўсмади. Ишлаб чиқаришининг оддий кенгайиши қўшимча иш кучи ҳисобидан амалга оширилди ва у бевосита халқ томонидан истеъмол қилинмайдиган қўшимча маҳсулотни таъминлади. Бунга акс таъсир сифатида самарадорлигининг туша бориши характерлидир.

— Тургунбой ака, айтинг-чи, собиқ иттифоқ шароитидаги давлат корпоратизми бугунги мустақил республикасида учун қанчалик хавфли. Бу меросдан қачон озод бўламиз!

— Яхши савол. Саволнинг биринчи қисмиға жаъоб шуки, генетика ва селекцияни бир-биридан алоҳида деб қараган ва иккинчисини биринчисидан устун қўйган давлат корпоратизми ишлаб чиқаришни ташкил этишде ва бошқаришде ҳам сунъий йўлларни ва усуллари устун қўйди. Бу бир неча ўз йиллардан бери ривожланиб, такомиллашга келаетган ҳўжалик муносабатлари шакллариини инкор этишде ва янги мажбурий шакллариининг юзага келишиде ўз аксини топди. Худди мана шу билан у хавфли. Энди саволнинг иккинчи қисмиға келсак, меросдан воз кечиш учун узок мўддатли пухта ўйланган ислохотлар ўтказиш лозим. Ушандагина бу меросдан қутиламиз.

— Собиқ иқтисодий мафкура ва сиёсат мутлоқ ҳақиқат учун давво билан шўғулланиб келган экан-да, Тургунбой ака!

— Тўғри топдингиз. Биз билмаган ва бизни ёқламаган-тадиқотларга душман қабилида сиёсат тутилиб, иқтисодийтадиғи барча бошқа ёндошмилар ва йўналишлар инкор қилинди.

Энди корпорация фаолиятининг кўриниши ва шакллариини бизнес ва бизнесменлик тамаларииниз-сиз тасаввур этиш мумкин.

— Бизнес ва бизнесменлик деганда нима мანი англашимиз керак!

— Бу атамалар инглизча бўлиб, луғавий маъноси тадбиркорлик ва тадбиркор деган сўзларга тўғри келади. Бизнес қайси соҳаде бўлмасин, қатъий дадил ва жасур фаолият кўрсатишни талаб этади. Бизнеснинг энг муҳим хусусияти шундаки, у шахсини мустақил қирқлашга ва қарор қабул қилишга ўргатади.

— Демак, мустақамлик, ишончли бизнес билан шўғулланиш учун тиниқ ақлга, уйдабуронлик инжиқозига, хушфёълликка эга бўлиш ва шўғулланадиган соҳасида чўқур билимдонлик талаб этилар экан-да!

— Тўғри.

— Бизнесчинини яъни тадбиркорни рағбатлантирувчи омиллар ҳам борми!

— Бор. Иккита омил бор. Биринчиси, ўз капиталдан юқори фойда олиш орқали бойиш хоҳиши бўлса, иккинчиси, эркинликка бўлган сўнмас хоҳиш ва мустақил ҳўжалик фаолияти учун бўлган эҳтиёж-дир.

— Лекин тадбиркор фойда олиб ишлаши учун мустақамликнинг ўзи етарли эмас. Жамоадеги ижтимоий муҳит яхши бўлиши ҳам янгилишмасам унинг муҳим томонларидир.

— Шу ҳақде ҳозир айтмоқчийдим. Жамоаде қуйидан то юқоригача ҳамма ходим жамоа фаолиятиға бевосита боғлиқлигини ҳис этиши, ҳар бир ходим шахсий келишмовчиликлардан қатъи назар ҳамкорлик фаолиятини устун қўйиши, «ҳамма жамоа обрўси учун ишлайди, жамоа эса барча ва ҳар бир ходим тўғрисида ғамхўрлик қилади» қондасини амалде таъбиқ этиш ва ниҳоят фойдани қўлайитириш учун юқори сифатли ва унумли меҳнат учун тиришчади. Ҳамжиҳатлиқни тарғиб этувиға бу қондалар бизнес фаолиятидаги барқарор, узок мўддатли муносабатларнинг асосини ташкил қилса, унинг манбаини капитал ташкил қилади.

— Тургунбой ака, корпорациянинг миллий ҳудудий чегаралар доирасидан чиқиб, бутун жаҳон бўйлаб фаолият кўрсатаётганига бир неча ўн йиллар бўлди. Шу соҳадеги бирон-бир тажриба ҳақида айтиб берсангиз.



Суратде ҳўжаликдеги ил-йиғирув фабрикасининг пиликлаш цехи:

— Бажонидил. Масалан, электрон усқуналар ва компьютерлар ишлаб чиқарувчи ИБМ (Интернейшнл Бизнес Машина) корпорацияси 124 мамлакатде иш юритади. Шу корпорацияде ишловчиларнинг сони 360 минг кишидан ортади. Энг муҳим ақциялар мана шу ишловчиларнинг барчаси ўртасида тақсимланади. Бу ерде бирорта ҳам ходим шахсан ўзи корпорацияни бошқаришга журъат эта олмайди. Ҳамма фаолият ўзаре манфаатдорлик асосида йўлга қўйилган. Ҳар бир ходим корпорация маҳсулотининг сифати ва муваффақияти учун баробар ғамхўрлик қилишга ўрганган. ИБМдеги мутахассислар ўз малакасини ошириш учун тўлиқ имкониятларга эга.

— Юқоридаги фикрни таъкидлаган ҳолда, демак, корпорация жамоаси учун энг муҳим хусусиятлардан бири қорхонага содиқлик экан.

— Ҳа, содиқлик. Чунки қорхона раҳбарияти ҳар бир мутахассисде эртанги куннинг умумий мақсадлари учун чўқур ишонч ва мағрурлик уйғотишга ҳаракат қилади. Улар учун асосий қонда: «Мағрурлик ҳиссиёти — мўъжизалар манбаи».

Замонавий корпорациянинг барча аэзолари панжадеги бармоқлардай ҳамжиҳатлик билан ишга киришадилар. Корпорация хизматчилари бирдамлик туйғулари билан жиқлашган. Бундай жиқлик корпорациялар учун юзлаб, баэзида минглаб турли хил маҳсулотларни лойиҳалашдан тортиб, токи пировард натижаларини тез ва соз яратишни таъминлайди.

— Биз юқорида, ривожланган мамлакат бўлиши АҚШ иқтисодий тараққиётиде муҳим ўрин эгаллаган корпоратив бошқариш шўки ҳақида қисқача гаплашдик. Энди, муамки бўлса шу корпорация

ЧОРВАДОР фермер Т. Махсудов — Янгийул районидаги У. Юсупов номли «Халқобод» ассоциациясининг 24 нафар кўнгилли ташаббускорларидан бири. Улар қишлоқда сифат жиҳатдан янги турмуш тарзини бошлаганлар. 70 ёшли Тилаболди ота Президентнинг деҳқон (фермер) хўжаликлари тўғрисидаги Фармони чиқиши биланоқ биринчилардан бўлиб ариза берган. Бошқалардан олдин қорамол боқиш фермаси ташкил қилган, биринчи бўлиб фермерлик маҳсулотини ишлаб чиқарган ва сота бошлаган. Банкдан олинган қарзни уза бошлашда ҳам биринчи бўлган. Шу боисдан ассоциация бошқарувининг раиси Ш. Хусанов яхши натижаларни кўлга киритаётган шу оила ҳақида ҳикоя қилишни тавсия этди. Ассоциациянинг касабани уюшмаси раҳбарлари ҳам шуни маслаҳат беришди.

Т. Махсудов билан унинг «иш жойи»да танишдик. У киши асли Фарғонанинг Охунбобоев районидан экан. Урушдан кейин Янгийулга кўчиб келганида у кўзи пишган деҳқон эди. Кейинги йилларда у боғдорчилик-узумчилик комбинатида қарашли сут-товар фермасида ишлади. Ассоциация ҳам қишлоқ аҳлининг истаги билан шу комбинат негизда яқинда ташкил этилган. Тилаболди отанинг ўн фарзанди бор — беш ўғил, беш қиз.

Фермерликни орзу қилишини гизга нима сабаб бўлди, деган саволга жавобан оила бошлиғи Президент Фармонларидан гап очди. У бу фармонлар ҳаётда ва ишлаб чиқаришда катта тажриба орттирган, айниқса мустақил, бировнинг буйруқлари ва ақл ўргатишисиз ишлашга орзуманд деҳқонларга жуда маъқул келганлигини таъкидлади. Шу боисдан ўзи ҳам ўз билим ва имкониятларини чинакам ишда синаб кўришга қарор қилганлигини айтди. Бунинг устига унинг ишончли ёрдамчилари — ўғиллари бор. Улар ўз оталарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашяпти.

— Олий ҳокимият бизга қандай кафолатлар бераётганлигини ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, — дейди хўжатларни изоҳлаб, кўпни кўрган қишлоқ меҳнаткаши. — Фермер хўжалигини икки йил мобайнида ҳар қандай солиқлардан озод қилиб қўйишнинг ўзи жуда катта ҳиммат. Бунинг устига, албатта, бизни эндигина учирма қилган хўжалик ҳам эътиборсиз қолдирмаяпти. Ҳолбуки, биз ҳозир мустақилмиз, банкда ўз ҳисоб вароғимиз бор. Ассоциацияга минг раҳмат — у бизга иш бошлаган пайтимизда кўп ёрдам беряпти.

Тилаболди ота айни пайтда «Олма пиш, оғзимга туш» деб ўтирмаслигини, балки асосан ўз кучи ва билимига таянишини айтиб қўйди. У вазибаларни бундай тақсимлаган: рафиқаси Нишонбуви — бузоқбоқар, қизи Зулфия — сут соғувчи (у ҳам отаси каби сут соғиш аппаратини орзу қилади), ўғиллари Эркин — молбоқар, Абдуманноп ва Ғайрат — ем-хашак тайёрловчилар. Қачонлардир отахоннинг ёши ва саломатлиги дам олишни тақозо этиб қолса, катта

ўғил Ғайрат отаси бошлаган ишни давом эттиради.

Фермер бўлишга аҳд қилган тажрибали Т. Махсудов ўзининг қатъиятли феъл-атворини ҳам эътиборга олган, албатта. Айтишларича, унинг ўз мақсадига етиш йўлидаги ўжарлиги фақат ассоциация раҳбарияти ва унинг касабани уюшмаси кўмитасига эмас, шу билан бирга район ҳокими А. Юсупов билан унинг ўринбосари З. Зоировга ҳам яхши маълум бўлиб қолган экан. Фермер улар билан кўп мартаба учрашган, суҳбатлашган. Дарвоқе, Тилаболди ота уларни жуда мақтади ва менаб уларнинг ҳам номларини санаб ўтишни илтимос қилди. Мен бунинг сабабини сўрадим.

— Хусусан шунинг учунки, — деди меҳнаткаш отахон, — мен улар-

ФЕРМЕРНИНГ ФЕРМАСИ УЙИ ЁНИДА

ёки қандай қилиб деҳқон оиласи фермерга айлангани
ва унинг ўй-ташвишлари ҳақида

нинг ёрдамсиз деҳқончилик-санотат банкнинг Янгийул бўлимидан 100 минг сўм қарзни сира «ундиролмасдим». Чунки бу, белгиланган нормадан анча кўп. Менга кафолат берган район раҳбарларини ҳам, банкнинг ўзини ҳам катта пул ниҳоятда зарурлигига ишонтирдим.

Ажратилган маблағ асосан Янгийул, Тошкент ва қўшни Қозоғистон бозорларидан зотдор сигирлар сотиб олишга сарфланди. Молларни хўжайиннинг ўзи танлади. У мол танлашда бировдан маслаҳат сўрашга муҳтож эмаслиги бизга яхши маълум: ҳарқалай чорвачилик соҳасида ишлаган. Бундан ташқари, Махсудовнинг айтишича, унинг катта оиласида ҳамма вақт 2—3 та сигир боқилган.

Район катталари ҳам гапми. Яқинда тиниб-тинчиманга тadbиркор Узбекистон Республикаси Президентининг ўзи билан учрашишга қатъий бел боғлаб, Тошкентга йўл олди. У ҳозир ўзини ва умуман барча фермерларни ташвишга солиб турган учта масала хусусида Президент билан гаплашмоқчи эди. И. Каримов сафарда экан. Шунинг учун халқободлик отахонни бошқа мансабдор шахс қабул қилди. Унинг исми шарифи отанинг ёдидан кўтарилибди. Бошловчи мулкдор ана шу кишига юрагидани тўкиб-солди. У гапни қарздан бошлади. Қарз берилгани учун раҳмат айтди, лекин уни деҳқон хўжаликлари гапга ҳеч бўлмаганда улар қадларини ростлаб, мустаҳкамланиб олгунларича имтиёзлироқ қилиб беришнинг имкони йўқмикан, деб сўради. Унинг фикрича, йилга 8 фоиз фойда тўлаш жуда оғирлик қилади.

Иккинчи савол омихта ем хусусида бўлди. Уни давлат анча қиммат сотаётганлигини, ҳар бир килограмм учун 2,5 сўмдан тўлашга тўғри кела-

ётганлигини айтди ва шуни биров арзонлаштирилса бўлмасмикан, деди. Учунчи, сўнги (эҳтимол энг асосий) масала шуки, қишлоқ хўжалик техникаси ҳаддан ташқари қиммат бўлганлиги учун уни хусусий мулк қилиб сотиб олиб бўлмайди. Тасаввур қилинг-а, чопиқ қиладиган «Белорусь» трактори қарийб 250 минг сўм туради. Бундан ташқари Махсудов ер ҳайдайдиган трактор, сеялка, культиватор ва бошқа ускуналар ҳам кераклигини айтиб ўтди. Ҳатто буларнинг ўз республикамизда ишлаб чиқариладиганлари ҳам кўз кўриб-қулоқ эшитмаган нархларда сотиляпти. Бунақада банкдан олинган қарз урвоқ ҳам бўлмайди.

Балки, чорвадор фермерга қишлоқ хўжалик техникасининг нима кераги бор, деб сўрарсиз? Гап шундаки,

унинг фермадан ташқари озуқа экинлари экиладиган 8,5 гектар ери бор. Бу ерни ҳайдаш, унга беда, макка, суданка, лавлаги, қовоқ экиш, уларга ишлов бериш учун район қишлоқ хўжалик техникаси бошқармасига мурожаат қилишга тўғри келяпти. Бунинг учун тўланадиган ҳақ ҳамённи қуритади: фақат экинларга ишлов беришнинг ўзи учун камида 500 сўм тўлаш керак. Ваҳоланки, бу тракторчи учун кўпи билан бир кунлик иш.

Махсудов уйига фикр ва таклифларим эътиборсиз қолдирилмас, деган умидда қайтди. Аммо бу таклифлар ҳозир ишлаб турган ва келажакда ташкил қилинадиган барча фермер хўжаликларига тааллуқли. Бироқ, Тошкентда бўлганида, фермер нимагадир минерал ўғитлар муаммосини эътиборсиз қолдирди, ҳолбуки, минерал ўғитларнинг нархи ҳам кўтарилиб кетган. Нима учун шундай бўлди?

— Менга унинг ҳеч кераги йўқ, — деди бамайлихотир хўжалик бошлиғи. — Атрофимиз тўла сигиру қўй бўлганидан кейин бизга ўзимиздан чиқадиган маҳаллий ўғит ҳам бемалол етиб ортади. Шу йил баҳоридеёқ ўша 8,5 гектар еримизга чириган гўнг сочдик. Қисман шу сабабли май ойининг ўрталаридаги биринчи ўрмидеёқ анча кўп беда олдик.

Фермерлар оиласи район раҳбарларидан оқ фотиҳа олиб, ўз уставини тасдиқлатиб, рўйхатдан ўтказиб, ассоциация таркибидан ажралиб чиққанидан кейин ишни нимадан бошлади? Ишни ўз томорқаларида ассоциация ёрдамида жўнгина молхона қуришдан бошлашди. Ҳозир бу ерда 28 бош мол, 12 та соғин сигир ва 16 бузоқ боқилляпти. Т. Махсудов 1994 йилда соғин сигирларни 25 тага

етказмоқчи. Фермер хўжалигида бундан ташқари йигирмата қўй, аравага қўшиладиган иккита от, битта эшак, уларнинг ҳар бири учун арава бор. Мол-мулкни кўпайтириш давом этапти.

Ҳар куни икки фляга сут сотиляпти. Идишларнинг ҳар бирига 40 литрдан сут кетади. Бу маҳсулотнинг доимий харидори — Янгийул сут заводи. Сутни у ерга фермерларнинг ўзлари чоғроқина эшак-аравада олиб боришади. Мен нима учун сутни давлат дўконларидаги чакана нархдан юқори баҳода олишаётгани билан қизиқдим.

— Давлат дастлабки даврда фермерлар меҳнатини рағбатлантириш учун харажатларнинг бир қисмини ўз зиммасига оляпти, — деди Т. Махсудов. — Бизнинг сут дўкондаги қараганда ёғлироқ, албатта. Завод унинг қаймоғини олиб, зарар кўрмайди. Дарвоқе, биз ўз хўжалигимиздан чиққан сутнинг 50 фоизини ўзимиз истаган харидорга сотишимиз мумкин. Ишонинг, қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам сутнинг ҳар литрига 5 сўмдан тўлашга тайёр турган харидорлар бор. Лекин бунга виждоним йўл қўймайди, одамларнинг ҳозирги қимматчилик давридаги шусиз ҳам оғир аҳволини янада оғирлаштириш мусулмон фарзандига ярашмайди.

Хуллас, сутнинг ҳозирги нархи оилани тўла қаноатлантиряпти, бундан ташқари у завод билан ўрнатилган амалий шерикчилик алоқаларини қадрлайди. Қолаётган фойда ҳам кам эмас — ҳарқалай 10 тоннадан кўпроқ сут сотилди. Банкдан олинган қарзни уза бошлаш имкони ҳам пайдо бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ қарзнинг 30 минг сўми қайтарилди, йил охиригача оила яна 10 минг сўм қайтаради. Қарзларни узишга берилган уч йиллик муҳлатнинг тугашини кутмасдан, оила 1993 йилда қарздан тўла қутулишни мўлжаллаяпти. Бундан бундан фақат сутдан келадиган даромадга қараб қолинмайди. Келаси йил бошларида биринчи марта қўйларнинг юнги олинади, демак жун янги даромад манбаи бўлади. 1993 йилда бундан ташқари гўшт ҳам сотила бошланади.

— Тагин 14 та бузоқнинг ҳаммаси сўйиларкан, деб ўйламан, — деди бош фермер. — Фақат ҳозир бўрдоқига боқилаётган олти та буқача гўштга топширилади. Шунинг ўзидан ҳам камида беш тонна гўшт чиқади.

Т. М. Махсудов бузоқларнинг, яъни бўлажак соғин сигирларнинг сўйилишига мутлақо қарши. У шу баҳорнинг ўзидаёқ 10 та қўзи берган она қўйларга ҳам тегмайди.

...Деҳқон (фермер) хўжаликларининг келажакда порлоқ ва улар вақт ўтиши билан озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришда реал кучга айланиши, кам самарали жамоа ва давлат хўжаликлари тизими билан дадил рақобатлашиши мумкин ва лозим. Нуроний отахоннинг фермерлик иши билан чуқурроқ танишган сари, бунга тобора кўпроқ ишонч ҳосил қиласан киши.

И. АҲМЕТОВ,

«САХОВАТ»НИНГ СОФ ФОЙДАСИ

Беруний шаҳри ижтимоий таъминотчилари район алоқа бўлими хизматидан бутунлай воз кечишди. Бу ерда «Саховат» кичик корхонаси иш бошлаб, шаҳардаги 6 минг нафақалувчиларга хизмат кўрсатишга киришди.

Олдинлари алоқа бўлими ходимлари нафақа пулларини хонадонларга элиб берганликларини учун 4,15 фоиз хизмат ҳақи олишар эди. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлими қошида ташкил этилган кичик корхонанинг 13 кишидан иборат жамоаси эса беминнат хизматлари учун 2,4 процент чикдориде ҳақ олишади, холос. Энг асосийси, ҳозиргача бирорта ҳам нафақа олувчидан шикоят келиб тушгани йўқ.

Кичик корхонамиз ўтган 9 ой мобайнида 300 минг сўмдан орттироқ соф фойда олди, — дейди шаҳар таъминот бўлими мудири Ургенчбой Қушенов. — Ана шу маблағ йил охири-

гача 420 минг сўмга етказилади. Биз олинган фойдани янада кўпайтиришни режалаштирганмиз. Бунинг учун маблағимизни Давлат банкисига кредитга қўйдик. Пулга зарур корхона-ю ташкилотлар, жамоа ва давлат хўжаликлари бизнинг маблағдан қарз олиб фойдаланишади. Эвазига эса бир йил учун 15 фоиз ҳақ тўлайдилар. Қарз бериш ҳисобига бир йил давомида кўшимча 60 минг сўм даромад олинди. Шундай қилиб, энг узоғи билан икки йилда «Саховат» ҳисобида 1 миллион сўм жамланади. Ана шу пул шаҳар ижтимоий — таъминот бўлими ва «Саховат» кичик корхонаси учун маъмурий бино қуришга сарфланади.

Бундай кичик хизмат кўрсатувчи корхона Хўжайли шаҳар ижтимоий таъминот бўлими қошида ҳам ташкил этилди. «Умид» деб номланувчи мазкур ташкилот ҳам соф фойда олиб ишлаяпти.

А. ИСКАНДАРОВ,

НУРОН АТДА

таклиф қилади:

1. Ўта тезкор I BM PC AT 286/287 24 МГц 1/40 HYUNDAI кафолати — 1 йил 239 минг сўм.
 2. Арзон нархда PC AT 286/287 ни 386/387 га мослаб берамиз, кўриниши буортмасининг хоҳишига биноан бўлади.
- МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент ш. 700077
Буюк Ипак йўли (Луначарское шоссе) кўчаси, 63-уй,
202 а-хона
ТЕЛЕФОНЛАР: 67-85-87, 67-22-08, 67-77-06
ФАКС: 67-24-50

ҲОЗИРОҚ БИЗГА ТЕЛЕФОН
ҚИЛИНГ ВА КЕЛИНГ!



ГАЗЛИ




КИЧИК КОРХОНАСИ

ХЎЖАЛИКЛАР РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!


«Газли» кичик корхонаси газ кувурлари ўтказиш борасида уч йиллик тажрибага эга. У бундай ишларни Тошкент вилояти жамоа ва давлат хўжаликларидан олиб борган.

Кувурларни харид қилиш шартлари ўзгарганлиги, яъни ҳозир кувурларни фақат мол айирбошлаш асосида келтириш мумкинлиги туфайли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мавжуд хўжаликларнинг раҳбарларига қишлоқ жойлардаги посёлкаларни газлаштириш юзасидан биз билан шартномалар тузишни таклиф қиламиз.




Агар Сизнинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотингиз бўлса, Сиз ўз хўжалигингиздаги посёлкангиздаги ҳар бир уйда, ҳар бир маҳаллада кафолатли равишда газ ва иссиқлик бўлишига эришингиз мумкин!

Бизнинг корхона қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш, лойиҳалаш-текшириш ишлари олиб бориш, кўргазмалар ва мусобақалар ташкил этиш борасида ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.



Манзилгоҳимиз: 700011,
Тошкент шаҳри,

Абай кўчаси, 6-уй, 4-қават.
Телефонимиз — 44-01-40



ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!




Заём облигациялари Жамғарма банки, Агросаноат банки, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки муассасаларида эркин сотилмоқда ва сотиб олинмоқда.

Республика заёми облигацияларини сотиб олиш билан Сиз республика мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссангизни қўшган бўласиз.


ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!
Урганч шаҳридаги тираж ўйинида қатнашишга таклиф этамиз.

30 сентябрда Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоизли ички ютуқли заёмнинг иккинчи тиражи ўйналади!

Заём облигацияларини сотиб олишга шошилинг. Эҳтимол, 250000 сўмлик энг катта ютуқ Сизга чиқиб қолар.



Республика
бошқармаси.



САМБО кураши бўйича спорт устаси Хушмурод Файзиев билан 1966 йилдан танишман. Бир куни мақола ёзгани эзилди оқибатларини тугатишда қатнашаётган Тошкент жисмоний тарбия олий билимгоҳи студентлари ишлаётган объектга бориб қолдим. Йиқилган уйлarning йўғон ёрочларини бир ўзи бемалол кўтариб машинага ортаётган ўспирин билан суҳбатлашганимда у ўзини Қашқадарё вилоятининг Косон районидан, деб таништирган эди. Шу-шу ҳамюртимиз билан яқин бўлиб қолган эдик. 1968 йил олий ўқув юртини тамомлагач, кураш кафедрасига тренер ва ўқитувчи қилиб ишга олиб қолдишди. Чунки талабалар йилларидаёқ у таниқли кураш усталарининг эътиборини қозонган, самбо бўйича республика чемпиони бўлган эди. Орадан бироз ўтгач, онасининг зўрлови билан қишлоғига қайтган эди.

1971 йил Тошкентда ўсмирлар ўртасида самбо бўйича «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти биринчилиги бўлди. Унда Хушмурод Файзиев тренерлик қилган полвонлар командаси ҳам қатнашиб иккинчи ўринни эгаллади. Шогирдларидан бири — Абдурахмон Қодиров Тошкентдан чемпион бўлиб қайтди.

— Хотинимнинг ўлимидан икки йил кейин Саломат Сулаймоновага уйландим. «Хушмурод ака, қизингизни кўзимнинг қорачиғида асрайман» деган эди у. Лекин турмуш қурганимиздан кейин орадан 2—3 ой ўтгач икки яшар болага ўғайлик қила бошлади. Мен барча аламларимни ичимга ютдим.

1983 йил 10 ноябрда ишдан келсам кизим кўчада «Онам нон бермади» деб йиғлаб ўтирибди. Кўшнилариимиз ҳам кизимнинг кўпинча оч юришини айтишди. Уйда бунинг сабабини сўраб балага қолдим. Иккаламизни ҳам ҳайлаб чиқарди. Ўша куни Косондан онамни ва кизимни олиб мана шу уйга келдик. 11 ноябрь куни тонгда ўрнимдан тураётганимда беҳуш йиқилдим. Кейин нима бўлганини билмайман. Қаршидаги биринчи касалхонанинг асаб касалликлари бўлимида 13 кун хушсиз ётдим. Шундан сўнг қўл ва оёқларим ишламай қолди.

Тошкент медицина ва Ўрта Осиё педиатрия олий билимгоҳларининг касалхоналарида бироз даволандим. Кейин ўзим ишлаган Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий билимгоҳининг Қарши бўлими жамоаси I-Москва медицина институти клини-

кадрлашди. Уларнинг ёрдами билан водопровод суви билан таъминландик. Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармасининг собиқ бошлиғи, Ўзбекистон халқ ноиб Насриддин Исмоилов билан 1964 йили Тошкентда самбо мусобақасида бирга қатнашган эдик. У киши жисмоний тарбия институтининг кечки бўлимида ўқирди. Тақдир тақозоси билан 23 йилдан сўнг Қаршида учрашиб қолдик. Уйимга телефон, сув, иссиқлик системаларини ўтказишда катта ёрдам бердилар. Қарши шаҳридаги биринчи поликлиника бош ҳақими Меҳмон Аҳмедов ва Қарши район касалхонаси ҳақимлари хизматидан ҳам миннатдорман. Деярли ҳар куни улар келиб, соғлигимни назорат қилиб туришади. Керакли дори-дармон, санаторийларга йўланмалар билан таъминлаб туришади. Ҳозир соғлиғим 80 фоиз тикланди. Фақат кўлимнинг панжалари ишламаяпти, холос. Айтгандай, мени табриклашнинг мумкин. Яқинда неварали бўлдим. Отини Шухратжон, кўйдик. Биринчи хотинимдан ёлғорлик қолган кизим Гўзалхонни ўтган йили турмушга узатган эдим, ўғил кўрди. Қуёвим Эргашжон жуда раҳмдил, онага меҳрибон чикди.

— Хушмурод ака, ишингиз яхшилик томонга юриша бошлабди. Мен ишонаманки, Сиз ҳали вилоятимиз спортга кўп ҳисса қўшасиз.

— Илоҳим айтганингиз келсин, ниятим ҳам шундай. Элмурод ва Исроил полвонлар спорт менинг жоним эканлигини яхши билишади. Ҳафтада навбат билан машинасида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари олий билимгоҳи Қарши бўлими, вилоят ички ишлар бошқармасининг «Динамо» ўйингоҳининг кураш залларига олиб боришади. Полвонларнинг курашини мириқиб томоша қиламан. Умуман спорт менинг жоним. Ягона орзум қачон бўлса ҳам тренерлик ишимни давом эттириш.

Ҳақиқатан ҳам у спортни жонидан севади. Ногирон бўлиб қолгунга қадар ҳаётининг 15 йилини тренерлик ишига бағишлади. Беш йил «Меҳнат» кўнгилли спорт жамияти Қашқадарё вилоят кенгашида раис бўлди. Вилоятда курашнинг самбо тури бўйича ўзига хос мактаб яратди. Маҳаллий ёшлардан 30 дан зиёд спорт усталари ва 80 га яқин номзодлар етиштирди. Бугунги кунда самбо бўйича 2 марта жаҳон чемпиони Сайфиддин Ходиев, жаҳон кубоги соҳиби, СССР халқлари спартакиадаси ғолиби, Европа ва мамлакат, Иттифок чемпиони Эркин Ҳолиқов, қишлоқ спортчилари ўртасида Иттифок чемпиони Саиднаби Жалолов, халқаро турнир ғолиби, республика чемпиони Мавлон Аҳмедов, дзю-до кураши бўйича халқаро турнир ғолиби Нормат Иўлдошев каби номи дунёга танилган юзлаб самбочилар қатори уларга устозлик қилган Хушмурод Файзиев билан ҳам ҳаммамиз фахрланамиз. Бугунги кунда шогирдларнинг аксарияти раҳбарлик лавозимларида ишлаб туришибди. Лекин ҳозиргача уларнинг баъзилари Хушмурод акани бирор марта бўлса-да йўқлаб келмаганлиги, ҳеч бўлмаса бир оғиз ширин сўзини баҳам кўрмаганлиги, бепарқлиги кишини ўйлантириб қўяди.

Хушмурод Файзиевнинг келажакда одамлардан, қолаверса спорт ташкилотларидан умиди катта. Лекин соғайиб, сеvimли касбига қайтиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдамга муҳтож. Ҳар қалай, дунёда яхшилар кўп. Улар қўлларидан келганча ночорларга ёрдам бериб, халқ олқишини олишга ҳаракат қилишади. Ўзбекистон жумҳурияти Бухоро усулидаги кураш федерациясининг президенти, самбо кураши бўйича СССР спорт устаси, биология фанлари доктори, профессор Жўракул Турсунов «Қашқадарё ҳақиқати» рўзномасида босилган бир мақоласининг қалам ҳақини Хушмурод полвонга — Қарши районидagi Худойзод қишлоғига жўнатди. Вилоят спорт кўмитасидагилар сумка, спорт формаси олиб бердилар. Илоийм сахий одамлар кўпаяверсин.

Эркин Жўраев,
«Қашқадарё ҳақиқати»
газетаси ходими.

ҲАҚАМНИНГ ТҮЙИ

БИЗДА олтин, кумуш тўйлар, пиру бадавлат кексаларимизнинг табаррук саналарига бағишланган йиғинлар кўп ўтказилади. Бу шодиёналарнинг қандай кечишини тасаввур қилишимиз қийин эмас. Лекин олтинкўлик Маъруф ота Икромовнинг 70 йиллик тўйи улардан бутунлай бошқача бўлди.

Ўзбекистон спорти тараққиётида, айниқса, миллий кураш солномасида ўзига хос ўрин тутган Маъруфжон ота Урта Осиё ва Қоғозистон республикалари спортчиларига яхши таниш. Маъруфжон ҳақам бўлиб танилган бу отахон Ўзбекистонда биринчи бўлиб «Республикада хизмат кўрсатган спорт мураббийси», «Республика тоифасидаги ҳақам» унвонларига мушарраф бўлган. Шунданми, унинг 70 йиллик табаррук куни спорт байрамга айланиб кетди.

Андижон вилояти деҳқончилик агросаноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тасарруфидаги «Пахтакор» спорт жамияти бу тўйга чор тарафдан миллий кураш полвонларини чорлади. Олтинкўл район ҳокимияти эса режа асосида қурилган уч минг кишилик полвонлар курашхонасини шу куни ишқибозларга топширди. Маъруф ота тўйининг муқаддимаси мана шу курашхонанинг очилиши билан бўлди.

Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси раиси М. Ф. Музаффарова, Республика миллий кураш Федерациясининг раис муовини Ш. П. Обидовлар тўй кутловларини бошлаб бердилар.

— Мана шу мўъжазгина Олтинкўлимизда, — деди район ҳокими Назиржон Саидов, — 4 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ташкил қилиниши, спортчи ёшларимизнинг йилдан йилга маҳоратлари ошиб бориши, ҳатто Равшанполвон Исоқов сингари йигитларимизнинг Халқаро кураш гиламларида ҳам ғолиб чиқиши бевосита Маъруфжон ота Икромов билан боғлиқ. Биз бежиз курашхона қурмадик. Бугунги мусобақанинг ўзида ҳам олтинкўлик йигирмага яқин полвон иштирок этяпти. Улар том маънода Маъруфжон отанинг шогирдларидир.

Шундан кейин қутлов тўни кийиб белбоғ бойлаган ота мусобақани бошлаб берди. Гиламга ҳар полвонлар тушдики, билагида куч, кўксига ғурур, юз-кўзида ғолибликка ишонч бор. Ҳар полвонлар чикдики, қадамларидан «Биз Мустақил Ўзбекистоннинг қадди тик йигитларимиз!» деган ифода сезилиб турди.

Замира ХҲЖАМБЕРДИЕВА.



ЎЗБЕКИСТОН спортчилари шухратини оламга танитган Оксана Чусовитинани бугун ким танимайди. Титов номли Олимпия иштирокчилари тайёрлаш республика билим юрти талабаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер С. Кузнецованинг шогирди Оксана Барселона шаҳрида бўлиб ўтган Олимпиада ғолибидир.

СУРАТДА: Оксана Чусовитина.
Ҳаким СОЛИХОВ
олган сурат.



Ўшанда у «Тошкент окшоми»га хурсанд бўлиб кириб келганди. Суҳбат давомида Қашқадарёда самбонини ривожлантириш борасида катта ишларни амалга ошираётгани, ўқув юрларидан 200 га яқин ёшларни тўплаб тренерлик қилаётгани, улар орасидан келажакда иқтидорли полвонлар етишиб чиқажаги ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди.

Шундан сўнг орадан йиллар ўтди, у билан бир неча бор Қаршида учрашди лекин дилдан суҳбатлаша олмадик, Унинг кўзлари гамгин, кўриниши жуда ташвишли бўларди. Сабабини сўрашга эса сира ботина-олмасдим. Кейинчалик мутлақо кўринмай қолди.

Қулларнинг бирида муҳарририятимизга телефон бўлиб қолди. Саломалиқдан сўнг Хушмурод Файзиев эканлигини дарров танидим. У отимни айтди-ю, хўнграб йиғлаб бошлади. Анчадан кейин узр сўраб ўлим тўшагидан турганлиги, оёқ-қўли ишламай ногирон бўлиб қолгани, бир бурда нонга зор бўлиб яшаётгани, иложи бўлса газетада ўзи ҳақида мақола ёзишимни илтимос қилди. Ўқиганлар балки ёрдам бериши мумкинлигини айтди.

Келишувга биноан у билан Қарши районининг Худойзод қишлоғидаги уйда учрашдик. У гапирар, хўрлиги келиб ора-чора йиғлаб ҳам оларди. Мен эса гапларини бўлмасдан жимгина тинглаб ўтирдим.

Етти йилдан буён аҳволим шу, ўрнимдан туролмайман ёмон кунларнинг ҳаммаси менинг бошимга битган экан. Олти ёшимда отам туя билан 40 километр узоқда жойлашган чўпонларга озик-овқат олиб бораётганда йўлда совукда музлаб қолган эди. Онамга мадаккор бўлай деб болалигимдан ишга кирдим. Кейин институтни битириб, яхши ниятлар билан Гулбахорга уйландим. У бевақт ўлмаганда балки мана шу аҳволга тушмаган бўлар-мидим, — суҳбатдошим бир зум тин олди. — Ҳомилдорлигида ёғир касалга чалинди. Тошкентдаги касалхоналарда даволатдим. Афсус, фойдаси бўлмади. Ундан фақат яккаю-ягона кизим Гўзал қолди. 9 кунлик чақалокни онам бечора сут билан катта қилди.

қасига йўлланма топиб берди. Аҳволим шунчалик оғир эдики, ҳатто тайёрага чиколмадим. Шогирдларимдан Тўхтамишев Исроил кўтариб чиқариб қўйди. Москвада бир ой даволандим. Қайтишда тайёрадан ўзим тушдим.

Етти йил тўшақда кимирламай ётишнинг ўзи бўладими? Бир бурда нонга зор бўлган кунларимни эсласам хўрлигим келади. Шол бўлиб қолганимни кўп киши билмасди, пенсия тайинланмаганди. Овқат пиширай десак масаллик, емоқ истасак нон йўқ. Бунинг устига қишлоқ-кировли кунлар... Иккинчи хотинимдан туғилган ўғлим Жамшиджон ва кизим Гўзал мен билан бирга. Уст-бошимни ювишади, овқатимни пиширишади.

— Хушмурод ака, энди ўтган кунларни унутишга, соғлигингизни тиклашга ҳаракат қилинг, — дейман унга. — Мана ҳозир ўзингиз таёқ билан юрадиган бўлибсиз. Бу яхшилик белгиси, албатта. Энди мени койимасангиз бир савол берсам.

Уруш-жанжал бўлмаган оила кам, албатта. Худонинг қароматини ёки ўша 1983 йил 10 ноябрдаги оилангиз билан бўлган жанжал оқибатини, хуллас, сиз кўпдан буён кийналиб азоб чекиб келаяпсиз. Орадан шунча йиллар ўтибди. Шу даврда хотинингиз болаларини ёки Сизни кўргани келмадими? Шогирдларингиз ҳаддан ташқари кўп эди, уларччи?

— Хотиним 9 йилда атиги бир марта келди. Унда ҳам ишхонасидан — Қарши шаҳар туғруқхонаси партком котиби бирга олиб келди. 1988 йилдан буён 100 сўм пенсия оламан. Унинг 50 сўминини алиментга тўлайман. Саломатдан беш болам бор. Кўргим келади, нима қилай, борсам киритмайди, ўзи олиб келмайди. Исроилжон, Элмуроджон, Аҳмаджон, Азамат, Алишер каби шогирдларимдан айланай. Улар уйимга тез-тез келиб туришади. Бирови пул, бошқаси кийим, озик-овқатдан ёрдам бериб туришибди. Уларга минг раҳмат, болаларининг роҳатини кўришсин. Қашқадарё вилоят физкультура ва спорт кўмитаси раиси Ботир Эгамов мени оталиққа олиб, уйимга бепул иситиш қурилмалари ўтказиб берди. Вилоят ва шаҳар ижроия кўмиталари ҳам меҳнатимни



ИШОНЧВОЙ, фотомухбир олиб келган расмларни кўриб бошинг кетганини ёзибсан. Мен ўқиб хурсанд бўлдим, демак бошинг бор экан. Сен ҳам хурсанд бўл. Утирма сувга тушган бўлка нондай, «Бошим қотди», деб.

Бундоғ кечаси ойга, юлдузларга қараб бир ўйлаб кўр. Ҳамма нарса бўлашади. Ахир, юлдузларга қараб ром очилади, башорат қилишади. Сен ҳам ўрганасан. Майли, сен ром очишларни ўргангунингча, мен айрим фикрларим билан ўртоқ-

лауреати» деган унвону мукофотлари, орден-медалларини ҳам келажак тақдирини белгилаб беришин улар, дерсан. Бу фикринг ҳам тўғри, деб ўйлайман, нега деганда театр раҳбарларига ҳали унвону мукофотлар, ордену медаллар ўз кучида қолсин ёки бошқа ном билан аталсин деган биронта фармону фармойиш, қарор ёхуд кўрсатма келмаган мутасаддиларнинг сенга ўхшаб боши қотаётган бўлса, ажабмас. Ахир, ҳаммамиз ҳам юқоридан келадиган топшириқларга ўрган-

ИШОНЧВОЙГА ХАТ

лашсам. Албатта, мен ром очмайман. Баъзи мушоҳада қилган фикрларимни айтаман, ҳолос. Балки, тўғри чиқиб қолар.

Биринчидан, афишани теппасига қара, Навоий номидаги Ўзбек Давлат опера ва балет Академик театри, деб ёзилиб қўйибди, лекин ўйналандиган асарларнинг деярли 90 фоизи ўзбек тилида эмас. Ҳа, ўзбекча операларга томошабинлар деярли кирмайди, дейиш ҳам мумкин. Ундай бўлса Ўзбекистонда ўзбек томошабинларини кирмайдиган театрнинг тақдирини бир ўйлаб кўриш керак. Бу менинг ишиммас, дейсанми? Тўғри, кечагина дунёга келган ИШОНЧВОЙни қўлидан келмаслиги аниқ. Сен эмас, мутасадди кишилар демоқчиман.

Ундай бўлса, бир йўла йўқ бўлиб кетган СССРнинг «СССР халқ артисти», «СССР Давлат мукофоти

ганмиз, укам. Сен, балки, Мустақиллик фарзанди бўлганинг учун буларни унчалик билмассан.

Тўғриси айтсам, икки томондаги афишанинг иккалови бир тилда ёзилганига менинг ҳам бошим қотди. Балки илгари биттасини ўзбекча ёзиш учун қилишгандир. Балки театр маъмуриятининг ўзбек тилига Давлат мақоми берилганига уч йил бўлаётгани эсида йўқдир. Балки бошқа мақсаддир...

Хуллас, укам ИШОНЧВОЙ, ҳаёт бошқотирма муаммолардан иборат. Шунинг учун, бошинг котгани билан табриклайман, кошки ҳамма барабар бош котирса, ҳамма нарса изига тушиб кетармиди?

Сенга салом билан боши қотган акаларингдан бири ХАЙМАТ МУХЛИС.

МАҚОЛЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ КЎРИНИШЛАРИ

- Қозонга яқин юр — қорнинг тўқ бўлади.
- Уйингга меҳмон келса остонада гаплаш.
- Бензинга чидасанг машина хайда.
- Қаҳрамон деб пулга пул қўшганини кўрсат.
- Холва деб қайтаравер, охири оғзинг чўчийди.
- Ишинг битгунча хўжайиннинг итини мақта.
- Лўлининг эшагини суғорма, кўчадан ўтган машина ойнасини арт.
- Душманинг олдидан тишинг кавла ҳали ҳам гўшт ер экан, десин.
- Ишбилармоннинг мушугини пишт дема.
- Сенга жонимни беришга тайёрман, аммо бу — пул-да.

САЙЕР.

Гамира ГАДЕЛЬШИНА

МЕХТАБ ХАНГОМАЛАРИ

Расм дарсида ўқитувчи ўқувчидан сўради:
— Мен қиш тонги расмини чизишни топширган эдим,

сен нимани чиздинг?
— «2» баҳо олиш жонимга текканидан ёз фаслини чизишни афзал кўрдим, ёзги тағтил тезроқ келсин-да, ахир.

Икки ўртоқ суҳбатлашмоқда:
— Менга қара, сенда 3 та «2» баҳо бўлди, баҳоларинг-

ни тўғрилашни ўйлапсанми-йўқми?
— Тўғрилашга-тўғрилардим-куя, бироқ журнал доим ўқитувчининг қўлида бўлади-да.

Расм дарсида:
— Марат, нимага сизнинг оёқсиз қилиб чиздинг?
— Тўқайда шаталоқ отиб, қочиб кетмасин, дедим...

Уқитувчи ўқувчидан:
— Нега сен дарсга кечикиб келдинг? Ухлаб қолдингми?— деб сўради.
— Йўқ, соатим ухлаб қолибди...

Дилором ЗУФАРОВА таржимаси.

ЧИРОЙЛИ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗМИ?

Олма — юз терисини тараб-ранглаштириб, ёшартиради. Бир дона олмани сутда пишириб, олма бўтқасини илик-рок холда юзга суртилади. Орадан 20 минут ўтказиб, совук сувда ювилади.

Сабзи — бетга жуда фойдали. Аввал икки дона сабзи кирғичда қирилади, унга ўсимлик мойи ва битта тухумнинг сариғи қўшилади, кейин эса бир неча томчи лимон суви томизилади. Тайёр бўлган коришмани юзга суртиб, 20—25 минут тутилади. Пахтани илик сувга бо-тириб, сабзи маскасини юздан туширилади.

Асал — юзга чиройли ранг беради ва силлик қилади. унинг учун бир қошиқ асални эритиб, бир неча томчи лимон суви томизинг. Уни кориштириб, илик сув билан ювиб, кетидан совук сувда чайинг.

Италияликларнинг юзлари нурли, тиник, сочлари эса доимо ялтираб туришининг сабаби, улар дунёда энг кўп зайтун ёғи истеъмол қилганлигида.

Хинд гўзаллари-чи? Ошуфта дилларни ром этгувчи рухсорларига не сир яшириган?

— Энг асосийси, — дея таъкидлайди машҳур актриса Суджата Мехта, — тўйиб ухлаш ва тўғри овкатлаишидир. Егил таомлардан ҳам кўра сабзавот ва мевалар истеъмол қилиш керак.

КЕЛГУСИ ЙИЛДА ҲАМ ИШОНЧИНГИЗНИ ОҚЛАЙМИЗ, АЗИЗЛАР! ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР ОБУНАСИ УЧУН

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» 64560 (нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Ф. СП-1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ИШОНЧ» 64561 (нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64560

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ» (нашр номи)

обуна баҳоси обуна сони

янгиланган маълумотлар баҳоси сум

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64561

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ИШОНЧ» (нашр номи)

обуна баҳоси обуна сони

янгиланган маълумотлар баҳоси сум

19 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга (Фамилияси, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



ҚАРШИЛИҚЛАРДАН ОРТДА ҚОЛМАНГ

ДОН маҳсулотлари концернига қарашли Қашқадарё маҳсус механизациялашган кчма колоннаси маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитасининг қарорига биноан илғор ишчи-хизматчилардан ўн киши 1993 йил учун «ИШОНЧ» газетасига корхона ҳисобидан обуна қилинди. — «ИШОНЧ» газетаси аввало оддий меҳнатқашлар-

нинг манфаатларини ҳимоя қилаётганлиги учун ҳам шундай йўл тутдиқ,— деди қурилиш корхонаси бошлиғи Бахтиёр Мамарасулов.— Газета безатилиши, мириқиб ўқиладиган хабар ва мақолаларнинг кўплиги, айниқса, меҳнат аҳлининг ҳуқуқларига даҳлдор маслаҳатлари билан ажралиб туради.

Муродулла КЕНГБОЕВ,
«ИШОНЧ»нинг муҳбири

Республикамизнинг ҳамма жойида бўлгани каби Қорақалпоғистонда ҳам «ИШОНЧ»нинг муҳлислари беҳисоб. Улар газетанинг ҳар бир сонини орзиқиб кутишади.

Аммо, кейинги ойлarda Тошкентдан Нукус ва Тўртқўл аэропортларига «ИШОНЧ»-

налларга обуна бўлишни ният қилган кишилар кўз ўнгида юқоридаги ноҳўя кўришлар юз беришида кимлар ҳолис «хизмат» кўрсатаётган экан-а? Биз ушбу савол билан республика алоқа вазирлиги ва граждaн авиацияси бошқармасига мурожаат қилиб:

«ИШОНЧ» ОБУНАЧИЛАРИ РАНЖИМАСИН!

нинг ўз вақтида келтирилишида узилишлар бўлаётир. Масалан, 34—35 — сони бир hafta кечикиб, газетхонлар кўлига етиб борди. Табиийки, бу хол обуначиларни ранжитаяпти, қолаверса газетанинг таъсирчанлигини пасайтирапти.

Ҳозир ҳамма вақтли нашрларга обуна давом этмоқда. Қийин шароитларда оилавий жамғармасидан тежаб-тергаб бўлса ҳам газета-жур-

— Қорақалпоғистонликлар сеvimли газетаси «ИШОНЧ»ни ўз вақтида олиб мутоала қилишига ким тўққинлик қилаяпти?» деб сўрамоқчимиз. «ИШОНЧ»нинг бошқа газеталар каби ўз эгаларига вақтидан мунтазам равишда етказиб берилишига жуда-жуда ишонгимиз келади!

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«ИШОНЧ»нинг муҳбири.

ТОШКЕНТДАГИ «Шарқ гули» бадий буюмлар фабрикаси маҳсулотлари жаҳонга машҳур. Қуёш нурлари порлаган палак, чаманзорни эслатувчи зардеволу гул-кўрпа, ранго-ранг чойшаблар, ёстик жилди-ю эшик пардалар ҳар бир хонадоннинг кўрки, беагаи.

Ана шу гўзаллик бунёдкорлари билан «ИШОНЧ» газетаси ижодкорларининг учрашуви бўлиб ўтди.


Одамлар ўртасида меҳр-окибатни сақлаб қолиш, адолат билан иш юритиш борасида «ИШОНЧ» саҳифаларида ёритилаётган асарлар ҳақида бош муҳаррир Тўлқин Қозокбоев сўзлади. Шоир Сайёр

ДИЛКАШ СУХБАТЛАР

ўзининг ҳазил шеърларини, хикматли ибораларини ишчиларга бағишлади.

Одамзотнинг омон қолишига имконият берувчи энг улўф йўл — маънавий бирлик ҳақида, аёлнинг ўзлигини асраб қолмоқ ва яшашнинг маъносини чуқур англамоқ ҳақида газета ходимлари Санъат Маҳмудоза ва Комила Султонова дил сўзларини изҳор этдилар.

Газетанинг «Умри азиз», «Оила: қувонч ва ташвишлар», «Ҳилол», «Адолат тарозиси», «Биздан сўрабсиз» каби руқиларида берилаётган асарлар маъқул бўлаётгани хусусида фабриканинг бош иқтисодчиси Маҳмуда Пўлатова, уста тикувчи Махсума Қаримова, кутубхоначи Раъно Мирзараҳимова ва бошқалар сўзладилар. Попов цеҳи бошлиғи Маълуммахон Самилова, тайёрлов цеҳи бригадири Холида Нуриддинова «ИШОНЧ»га келгуси йил учун биринчилар қаторида обуна бўлганларини айтишди. Учрашув қизгин, савол-жавобга уланиб кетди.



«Шарқ гули» фабрикасидаги қизгин учрашувдан бир лавҳани Даврон АҲМАД суратга олган.

ГАЗЕТАНГИЗ МЕНГА ЁҚМАЙДИ

Бу гапимдан хафа бўлманг. Рост-да, газетангизнинг ҳар сонидан «Биздан сўрабсиз», «Ойнаи жаҳонда», «Атторнинг қутиси» берилади, нима бошқа гап йўқми? Масалан, қоровуллар, овчилар ҳақида, балиқчи-ю, марка йиғувчи-

лар, ит овловчи-ю, сартарошу, фаррошлар ҳақида нега ёзмайсизлар? Езган бўлсангиз, қани айтинг, қачон? Улар ҳам одам, касаба уюшмасини аъзолари, унутманг шунини!

Шу гапларга қарамай, мен газетангизга ёзилдим. 208 сўм-у, нечадир тийин тўладим. Қўрамиз, менинг фикр-

ларимни ҳам инобатга олармикансиз.

Сизга салом билан, газетангизнинг бошидан охиригача ҳечнимасини қолдирмай ўқийдиган:

Абдуқодир АБДУСАТТОРОВ,
Қорасув районидан 62 ёшли контора қоровули.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТАХОН!

«Ишонч»га обуна бўлдингизми? ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН унинг йиллик обуна нархи 208 сўм 80 тийин. (нашр кўрсаткичи — 64560)

ҚОРХОНА ВА МУАССАСАЛАР УЧУН ГАЗЕТАНИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА НАРХИ 312 СЎМДИР. (нашр кўрсаткичи — 64561)

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТАХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойин» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТАХОНЛАР!

ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса таквим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, фамилияси, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «п. в.»—«жойин» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазди.

